



«YANGI O'ZBEKISTONDA ERKIN VA FAROVON YASHAYLIK!»

VATAN – MUQADDAS, UNI HIMOYA QILISH SHARAFLI BURCHDIR!



www.mv-vatanparvar.uz



vatanparvar09@mail.ru



Gazeta 1992-yilning 24-iyunidan chiqa boshlagan

VATANPARVAR



Saytimizga o'tish uchun QR-kodini skaner qiling.



FORISH OSMONIDAGI
«OQ GUMBAZ»LAR»

Ushbu sonda: 4-5

- JIPSLIK – MUVAFFAQIYAT OMILI
- YOSH IXTIROCHI YIGIT • SARHADLARDA
- SERGAK AZAMAT • BAXSHICHILIK SAN'ATI
- IKKINCHI JAHON URUSHI YILLARIDA

2021-yil 16-iyul, №28 (2935)

Mudofaa vazirligi tizimiga oid so'nggi yangiliklar bilan quyidagi manzillar orqali tanishing:



t.me/mv_vatanparvar_uz
t.me/mudofaa_press



facebook.com/UzArmiya



instagram.com/uzbekistanarmy



www.youtube.com/c/UzArmiya

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ЁШЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА Қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Мамлакатимизда янги Ўзбекистонни барпо этишдек улғу мақсадга эришиш йўлида асосий таянчимиз бўлган азму шижоатли ёшларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларга барча соҳаларда ўз иқтидори ва салоҳиятини тўлиқ намоеън этиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратиб бериш давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади.

Айниқса, умумий ўрта, профессионал ва олий таълим муассасаларини тамомлаб, мустақил ҳаётга қадам қўяётган йигит-қизларни муносиб иш ва даромад манбаи билан таъминлаш, уларга замонавий касб-хунарлар, IT-технологияларни ўргатиш, тадбиркорликка кенг жалб этиш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Биргина 2021 йилнинг ўтган даврида ёшлар билан ишлашнинг мутлақо янги тизими ҳисобланган «Ёшлар дафтари» ва «Ёшлар дастурлари» асосида **430 минг** нафар йигит-қизнинг ҳаётлий муаммоларини ҳал этиш учун **300 миллиард** сўм маблағ йўналтирилгани, **92 минг** нафардан зиёд ёшларнинг тадбиркорлик лойиҳалари учун **2,3 триллион** сўм имтиёзли кредитлар, қишлоқ жойларда яшаётган **230 мингдан** ортиқ ёшларга деҳқончилик билан шуғулланиши учун **61 минг** гектар ер майдони ажратилгани бу борадаги ишларнинг қўлами тобора кенгайиб бораётганини кўрсатади.

Жорий йил 30 июнь куни бўлиб ўтган **Ўзбекистон ёшлари ва талабалари форуми**да илгари сурилган янги ташаббус ва ғояларни амалга ошириш ҳамда «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини сўзсиз таъминлаш мақсадида:

1. **2021 йил август ойида** «Темир дафтар»га киритилган оилаларнинг **18 ёшгача бўлган ҳар бир фарзанди** учун Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан **500 минг сўм миқдорида бир марталик моддий ёрдам кўрсатилсин.**

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимлари, сектор раҳбарлари ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари – «Темир дафтар»га киритилган оилаларнинг **18 ёшгача бўлган фарзандлари** сонидан келиб чиқиб, тўлов ведомостлари шакллантирилиши ҳамда туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимлари орқали уларга моддий ёрдам пулларининг ўз вақтида ва манзилли етказилишини таъминласин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

«Темир дафтар»га киритилган оилаларнинг давлат олий таълим муассасаларида таълим олаётган фарзандларига 2021/2022 ўқув йилида биринчи ўқув йили учун **тўлов-контрактнинг тўлиқ суммаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб берилди;**

«Темир дафтар» ва «Аёллар дафтари»га киритилган оилалар фарзандлари ҳамда «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларга янги турмуш қураётганида ўз хонадонига **қўшимча уй-жой қуриши учун 33 миллион сўмгача гаровсиз кредит ажратилди;**

ёш оилаларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш мақсадида ипотека дастури доирасида бошланғич бадал ва фоиз тўловлари бўйича **қўшимча 2 мингта ёш оилага** уй-жой сотиб олиши учун **субсидия ажратилди.**

3. Белгилансинки, **2021 йил 1 сентябрдан** бошлаб республикадаги олий таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида ўқиётган талабалар учун **Марказий банкнинг асосий фоиз ставкаси** миқдорида ва ўқиш муддати тугагандан кейин **еттинчи ойдан бошлаб 7 йил муддатда** қайтариш шартлари асосида таълим кредитлари берилди.

Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) Марказий банк (М.Б. Нурмуратов) ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Х. Тошқулов) билан биргаликда **икки ҳафта** муддатда таълим кредитларини бериш тартибини назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини киритсин.

4. Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) **икки ой муддатда:**

олий ва профессионал таълим муассасаларида ўқиш учун тижорат банкларидан олинган таълим кредитларини қоплашга йўналтирилган жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган иш ҳақи ва бошқа даромадларига **солиқ имтиёзлари қўланиши;**

ёш оила томонидан олинган ипотека кредитларини ва улар бўйича ҳисобланган фоизларни эр-хотин ёки улардан бирининг ёши белгиланган ёшдан ошгунига қадар ҳар бир солиқ даври давомида тегишли миқдорда қоплашга йўналтирилган иш ҳақи ва бошқа даромадлари жисмоний шахслардан олиннадиган **даромад солиғидан озод қилиниши** назарда тутувчи қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Давлат органлари, ташкилот ва муассасаларида фаолият кўрсатаётган нуфузли халқаро рейтинг ташкилотларининг юқори **500 талик рўйхатига киритилган** хорижий олий таълим муассасаларини (бакалаврият, магистратура) тамомлаган ёки уларда илмий даража (PhD ва унга тенглаштирилган бошқа илмий даража) олган **ёш мутахассисларнинг лавозим маошига** Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 1-иловага мувофиқ қўшимча **устамалар тўлаб бориш** тартиби жорий этилсин.

Белгилансинки: нуфузли халқаро рейтинг ташкилотларининг юқори **500 талик рўйхатига киритилган** хорижий олий таълим муассасалари рўйхати Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан аниқланади ва унинг расмий веб-сайтига жойлаштирилади ҳамда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади;

Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан оиллик устамалар татиқ этилади ҳамда **таълим йўналишлари, тор мутахассисликлар ҳамда давлат органлари, ташкилот ва муассасалари рўйхати шакллантирилади;**

оиллик устамалар **2021 йил 1 октябрдан бошлаб** Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, иш берувчи ва ёш мутахассис билан **3 йилгача** бўлган муддатта тузилган **шартнома асосида** ёш мутахассиснинг лавозим маошига **қўшимча равишда ҳар ой тўлаб борилади.**

6. **2021 йил 1 сентябрдан бошлаб** Тошкент шаҳрида **Ёшлар бизнес мактаби, 2022 йилдан бошлаб** барча ҳудудларда унинг филиаллари ташкил этилсин.

Қуйидагилар Ёшлар бизнес мактабининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

мамлакатимиз ва чет элнинг етакчи тадбиркор ва бизнес юритувчиларини жалб этган ҳолда, ёшларга тадбиркорлик фаолияти давомида **яхши натижаларга эришиш** ва бизнес юритишда **хавф-хатарлардан ҳимояланиш** усулларини ўргатиш;

тадбиркорликка қизиққан ёшларни бизнес ва **тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш**, уларда замонавий бизнес юритиш кўникмаларини шакллантириш, мотивацион бизнес-семинарлар ва тренинглар ташкил этиш.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Ёшлар бизнес мактаби фаолиятини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилсин.

7. **2021 йил 1 октябрдан бошлаб ёшларнинг «Бизнесга биринчи қадам» стартап ғоялари** танловларини ташкил этиш ҳамда ҳар бир туман ва шаҳарда каммида уч нафардан ғолибга грантлар бериш амалиёти жорий этилсин.

Белгилансинки, энг яхши лойиҳаларнинг ҳар бири учун **базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 бараваригача** грант маблағлари берилди ва улар 2022-2023 йилларда Давлат бюджетидан **100 миллиард сўм** миқдорида қўшимча ажратилади.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Ж.А. Кучкаров), Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Ю. Абдурахмонов), Молия вазирлиги (Ж.И. Аброев), Ёшлар ишлари агентлиги (А.З. Саъдуллаев):

бир ой муддатда стартап ғоялар танловларини очик ва ошкора ташкил этиш, лойиҳаларни баҳолаш мезонлари ва уларни амалга оширишни мувофиқлаштириш тартибини тасдиқласин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимлари билан биргаликда стартап ғояларнинг амалга оширилишига қўмақласин.

8. «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» АЖга **ёшларнинг янги ғоялар асосида ишлаб чиқилган инновацион, стартап ва бизнес лойиҳаларини молиялаштириш вазифаси** юклатилсин.

Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» АЖга ушбу бандда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун **100 миллион АҚШ доллари эквиваленти миқдоридан 7 йил муддатда 3 йил имтиёзли даврни ўз ичига олган ҳолда, Марказий банкнинг асосий ставкаси 4 фоиз бандга паст қилиб берилди.**

9. Халқ таълими вазирлиги (Ш.Х. Шерматов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Х. Тошқулов) Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси (У.Н. Ташкенбаев) билан биргаликда **2021/2022 ўқув йилидан босқичма-босқич** умумий ўрта ва ўрта махсус, профессионал ва олий таълим муассасаларида ахборот технологиялари дарслари Кембриж дастури асосида ўтказилишини ҳамда ўқитувчиларнинг ушбу дастур асосида қайта тайёрланишини таъминласин.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.М. Садиқов) **2021 йил якунига қадар** барча умумий ўрта таълим мактабларини юқори тезликдаги интернетга улаш ишларини тўлиқ якунласин.

10. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

ёшлар томонидан кўтарилган таклиф ва ташаббуслар, муаммо ҳамда масалалар ечими юзасидан **ҳар йили Ўзбекистон Республикаси ёшлари куни арафасида Ҳукуматнинг дастури**, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар ҳокимликларининг алоҳида **ҳудудий дастурлари** қабул қилинади;

мазкур дастурлар **ёшларнинг билим ва касб-хунар эгаллаши, улар учун муносиб иш ва турмуш шароитини яратиш, бўш вақтини мазмунли ташкил этишга қаратилган комплекс чора-тадбирлардан** иборат бўлади.

Ёшлар ишлари агентлиги (А.З. Саъдуллаев) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда **2022 йилдан бошлаб ҳар йили 1 июнга** қадар мазкур бандда кўрсатилган Ҳукумат дастури лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин, шунингдек, ҳудудий дастурлар қабул қилинишини ташкил қилсин.

11. Олий Мажлис Сенатига:

а) ёшларга оид давлат сиёсатини самарали амалга ошириш мақсадида:

мазкур қарорнинг 10-бандида белгиланган Ҳукумат ва ҳудудий дастурларнинг ўз вақтида ишлаб чиқилиши, тасдиқланиши ва тўлиқ амалга оширилиши юзасидан **таъсирчан парламент назоратини ўрнатиш**, бу борада **халқ депутатлари Кенгашларининг фаолиятини мувофиқлаштириш;** ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳудудларда амалга оширилиши бўйича **рейтинг тизимини жорий этиш;**

фаол ва ташаббускор ёшлар орасидан **янги авлод захира кадрларини шакллантириш;**

халқ депутатлари Кенгашларида **«Ёшлар парламенти вакиллари мактаби»**ни ташкил қилиш;

б) Олий Мажлис Қонунчилик палатаси билан ҳамкорликда:

ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга масъул бўлган раҳбарларнинг Олий Мажлис палаталари ва тегишли халқ депутатлари Кенгашларига **ҳисобот бериб бориш тартибини жорий этиш;**

«Биз парламентда ёшларни қўллаб-қувватлаймиз» ташаббусни амалга ошириш;

халқ депутатлари Кенгашлари тавсияси асосида ёш, фидойи, азму шижоатли ёшларни Олий Мажлисининг **Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзоларига бириктириш** тавсия этилсин.

12. Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги (О.А. Хасанов) Олий Мажлис Сенати томонидан шакллантирилган янги авлод захира кадрларини Миллий кадрлар захирасига киритсин ҳамда уларнинг раҳбарлик лавозимларига асосий номзод сифатида тавсия этилишини таъминласин.

13. Белгилансинки, **2021 йил 1 сентябрдан** бошлаб ҳудудларда ёшларни мунтазам спорт билан шуғулланишга жалб қилиш мақсадида Олимпия ва Паралимпия ҳамда Осие ва Параосие ўйинлари, жаҳон, Осие ва республика чемпионатларида охириги 5 йилда ғолиб ва совриндор (1-3 ўрин) бўлган спортчи-тренерларга, шунингдек, олис ва чекка ҳудудларда фаолият юритувчи спортчи-тренерларга:

спорт тўғрақларини ташкил этиш учун туман ва шаҳарларда бўш турган давлат мулки ҳисобланган бино ва иншоотлар электрон савдолар ўтказмаган ҳолда, ушбу объектга нисбатан белгиланган **энг кам ижара тўлови ставкасининг 50 фоизи миқдоридан ижарага берилди;**

спорт тўғрақларини ташкил этиш учун спорт **инвентарлари, буюмлари ва жиҳозларини харид қилиш учун** бюджет маблағлари ҳисобидан субсидиялар ажратилди;

каммида **100 нафар ёшларни** мунтазам спорт билан шуғулланишини ташкил этган тақдирда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг **10 бараваридан** кам бўлмаган миқдорда ҳар ойлик тўлов жорий этилади.

14. **2021 йил 1 октябрдан бошлаб ҳар йили** ёшларга мўлжалланган бадиий асарлар муаллифларини рағбатлантириш мақсадида **«Болалар ва ёшлар учун энг яхши китоб»** танловини ташкил этсин.

Белгилансинки, танловда ғолиб деб топилган муаллифларга биринчи ўрин учун – **100 миллион сўм**, иккинчи ўрин учун – **75 миллион сўм**, учинчи ўрин учун – **50 миллион сўм** мукофот маблағлари ажратилди.

Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) мукофотларни тўлаш билан боғлиқ харажатларни 2021 йилда Ёшлар ишлари агентлигига ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилишини ҳамда 2022 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларида назарда тутилишини таъминласин.

15. **Ўзбекистон ёшлари ва талабалари форумида ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида белгиланган берилган устувор вазифалар ижросини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар дастури** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари чора-тадбирлар дастурида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида, тўлиқ ҳажмда ва сифатли бажарилиши учун **шахсан масъул эканликлари кўрсатиб ўтилсин.**

16. Ёшлар ишлари агентлиги (А.З. Саъдуллаев) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазирнинг ўринбосари **Б.А. Мўсаев** ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги директори **А.З. Саъдуллаев** белгилансин.

Фармон ижросини ҳар чорақда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги тўғрисида **2021 йилнинг 31 декабрь кунига қадар** Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2021 йил 13 июль
(ўза)

ISLOHOTLAR SAMARASI

ҚАД РОСТЛАГАН АВЛОД

янги биноларда армияга кузатилади

Бугун шундай бир авлод катта ҳаёт остонасида турибдики, уларнинг ота-оналари ҳам мустақиллик йилларида камол топган. Истиқлолдан илҳом олиб қаддини ростлаган ёшлар учун пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туман мудофаа ишлари бўлимининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Очилиш маросимида мудофаа вазири генерал-лейтенант Баҳодир Қурбонов иштирок этиб, мустақилликнинг 30 йиллик тантаналарига тўхфа бўладиган эзгу ишга ҳисса қўшганларни муносиб тақдирлади.

Кўркам бино ва унда яратилган шарт-шароитларни кўриб кўзингиз қувонади, замон билан ҳамнафаслик моҳиятини ҳис қиласиз. Иншоот энг сўнгги русумдаги ахборот ва компьютер технологиялари, мебель жиҳозлари билан тўлиқ таъминланган. Навбатчи хонасидаги радиоалоқа, кўриқлаш хизмати, ёнғин хавфсизлигини назорат қилиш пульти, бошқарма навбатчиси билан видеоалоқадан тортиб, керакли ҳужжатларни ишончли сақлашга мўлжалланган архив хонасигача ҳеч бир жиҳат эътибордан четда қолмаган.

Фуқароларга қулайлаштириш, шаффоликни таъминлаш мақсадида барча шароитлар яратилган бўлиб, сунъий тўсиқлар ҳосил қилинмаслиги учун бўлим бошлиғининг бевосита кузатиб туриш имконияти ҳам мавжуд. Махфийлик тизими ва тезкорликни таъминлашда электрон тизим фаолияти йўлга қўйилгани ибратли бўлган. Уруш даврида шаҳар, тумандаги куч тузилмалари ва қўшинлар билан алоқа ўрнатиш ва бошқариш мақсадида раҳбарий ҳужжатлар талаблари асосида бошқарув гуруҳи хонаси барпо этилган.

Хуллас, фуқароларни қабул қилиш, иш юритиш, сафарбарлик

чақируви резерви бўлинмаси, чақирув бўлинмаси, сафарбарлик, видеоселектор, қалқон сервер, резервчилар ва ҳарбий хизматга мажбурларни ҳисобга олиш бўлинмасининг аскар ва сержантлар, офицерлар билан ишлаш хонаси каби қатор хоналарга бир-бир кириб, танишар экансиз, Қуролли Кучлар сафида хизмат қилишга отланган ёшлар учун қанчалар қулайлик яратилганига гувоҳ бўласиз.

– Келажакда Ватан ҳимоячиси бўлиш мақсадимни ҳаётимнинг ажралмас қисми, деб биламан. Туман мудофаа ишлари бўлими кўмагида «Темурбеклар мактаби»-га ҳужжатларимни тайёрладим. Бу ерда яратилган шароитлар, ходимларнинг муомала ва муносабати армияга бўлган эҳтиромимни янада оширди. Келажакда офицерлар қаторидан ўрин олиб, юрт осойишталигини сақлашдек улғувор вазифага ўз ҳиссамни қўшаман, – дейди Исмоил Саидалиев.

Ҳали бу бошланиши. Юрагидан, қадамидан ўт чақнаган ўғлонларимизни олдинда бундан-да улкан имкониятлар кутиб турибди. Мухими, улар ҳам кўрсатилаётган ғамхўрлик ва яратилаётган шарт-шароитларга ўзларининг баркамолликлари билан муносиб жавоб қайтардилар.

**Капитан
Азиз НОРҚУЛОВ,
«Vatanparvar»**



Муаллиф суратга олган

MARDI MAYDONLAR

Ҳаво-десант бўлинмалари ҳаракатчан кучларнинг асосини ташкил қилиб, улар жанг тақдирини ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади. Замонавий алоқа ва бошқарув аппаратуралари билан қуролланган десантчилар миллий армиямизнинг энг юқори тайёргарликка эга бўлинмаларидан бири ҳисобланади.



ФОРИШ ОСМОНИДАГИ

Бугунги замонавий жанг шароитлари нафақат ҳаво-десант бўлинмалари, балки ҳарбий қисмлар шахсий таркибини ҳам десантлаштиришни тақозо этмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда Ватан ҳимоячиларининг жанговар тайёргарлигини мунтазам ошириб бориш, назарий билимларини амалий синовдан ўтказиш мақсадида Марказий ҳарбий округ «Фориш» тоғ дала-ўқув майдонида округ ҳарбий қисмлари шахсий таркибининг илк бор парашют билан амалий сакраш машғулоти олиб борилди. Шу билан бир қаторда бошқа ҳарбий округларда хизмат қилаётган Ватан посбонлари ҳам ўзлари учун нотаниш бўлган мазкур ҳудудда биринчи марта парашют билан амалий сакрашга жалб этилди.

Йигитлар Ми-8 вертолётда ҳавога кўтарилиб, бўлинмаси ва ўзларига юклатилган жанговар вазифадан келиб чиқиб, 600, 1 200, 1 500, 2 000, 2 500 ва 3 000 метргача бўлган баландликдан «Д-6», «Беркут-2», «Мальва аксиома» каби парашютлар билан сакрамоқда. Десантчилар «Д-6» парашюти билан шомол йўналиши бўйича ҳаракатланиш кўникмасини оширган бўлса, «Беркут-2» парашюти ёрдамида эса ҳавода шомолга қарши ҳаракатланиш амалини муваффақиятли бажаришди.

– Авваллари фақат мутахассислар билан бундай амалий сакраш машғулотларини ташкиллаштирган бўлсак, бугунги кунда барча округлардан ажратилган шахсий таркиб иштирокида парашют билан сакрашни амалга оширяпмиз, – дейди майор Ҳумоюн Мухаммадиев. – Бунда бўлинмалар учун нотаниш бўлган ҳудудда улар маҳоратини ошириш ва мослашувчанлик кўникмасини шакллантириш бош мақсад қилинган. Амалий сакрашлар жараёнида асосий эътиборни шахсий таркибнинг махсус парашютларда турли баландликлар бўйича ўз вазифаларини тўғри бажараётганлигига ва юк ҳамда қурол-анжомлари билан тўғри ҳаракатланишини таъминлашдан иборат.

Мазкур амалий сакраш машғулотини ўтказиш учун бежиз айнан «Фориш» тоғ дала-ўқув майдони танлаб олинмаган. Боиси, бу ердаги об-ҳаво, тоғ ва адирликлар, қолаверса, шомол тезлиги ҳам



«ОҚ ГУМБАЗ»ЛАР



ҳарбий хизматчиларни ҳар қандай вазият ва шароитда жанговар топшириқни ҳа-толарсиз адо этишга тайёр-лаб боради. Айниқса, мана, кўриб турибсизлар, шамол тезлиги ҳам юқори (ҳа, полигонда ўша куни аномал иссиқ авжиги чиққан ва шамол тезлиги яхшигина эди). Бундай шароитларда машғулот олиб борган, ҳар томонлама чиниққан йигит-ларимиз жанговар шайлиги аъло даражада бўлади.



Машғулотлар жараёнини кузатиб шунга амин бўлиш мумкинки, шахсий таркибнинг жанговар вазифани бажаришдаги руҳий ҳолати юқори даражада. Айнан ҳаво-десант тайёргарлиги амалий машғулотларига бўлган чанқоқлик яққол намоён бўлиб турибди.

«Парашют кийиш чизиғи», «Гуруҳ командири текширув чизиғи», «Взвод командири текширув чизиғи», «Ҳаво-десант офицери текширув чизиғи»... Бу кетма-кетлик ҳарбий хизматчиларни ҳаво сарҳадлари томон тобора яқинлаштириб бораверади. Гуруҳ командирлари сўнгги кўрсатмаларни бергач, йигитлар жанговар вазифани бажаришга киришади.

Ушбу ўқув машғулотлари ҳарбий хизматчиларнинг кўникма ва имкониятларини кенгайтириш, ҳар қандай вазиятда ҳам қўйилган жанговар вазифани бажаришда дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

**Лейтенант
Исломжон ҚҶЧҚОРОВ,
«Vatanparvar»**

МАНОРАТ

Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ тасарруфидаги Нуристон гарнизонида жойлашган ҳарбий қисмда жанговар тайёргарлик бўйича назорат текширувлари бўлиб ўтди.

Ушбу синовлар бўлинмаларнинг жипсликда ҳамда тунги вақтларда қўйилган вазифаларни бажаришга

ЖИПСЛИК – МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛИ



тайёрлигини текширишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Ҳарбий хизматчилар берилган «Тревога» сигнали асосида қўйилган топшириқни бажаришга киришди.

Юрт ҳимоячилари взвод шахсий таркиби билан пиёдалар жанговар машиналарида жанговар тартибга ёйилган ҳолда тактик ҳаракатлар орқали шартли душманни қуршаб олиш ва яқсон қилиш машқларида ўз маҳоратларини намоён этдилар.

Шундан сўнг ноқонуний қуролланган шартли душман вақтинчалик жойлашув ҳудудида қуршовга олиш ва яқсон қилиш бўйича «Сиртмоқ» услубида ҳаракат олиб борилди.

Жанг майдонида шартли душман командирларини йўқ қилиш ва уларнинг назоратини издан чиқаришда мерганларга таянилди. Маҳоратли мерган эса битта ўқ билан жанг тақдирини ҳал қилиши мумкин. Шу сабабдан ҳам синовларда «бургут

кўзликлар» ҳаракати алоҳида эътиборга олинди.

Тунги вазиятларда жамоа бўлиб марш юриш амалиёти, пиёда ва жанговар техникаларда нишонларни беҳато яқсон қилиш машғулоти ҳарбий хизматчиларнинг машқларда қанчалик тобланганлигини кўрсатди.

Шунингдек, текширувлар давомида ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий топография бўйича

кўникмалари синовдан ўтказилди. Мухтасар айтганда, юрт ҳимоячиларининг ҳар бир ҳаракатлари уларнинг чуқур назарий ва амалий билимларга эга эканини кўрсатгани ўлароқ, Ватан ҳимояси ишончли қўлларда эканига яна бир далил бўлди.

**Жануби-ғарбий
махсус ҳарбий округ
матбуот хизмати**

ТАКТИК ҲАРАКАТЛАР ўз самарасини берди

Тажриба



Мудофаа вазирлиги Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонлигининг Бухоро вилояти Қоровулбозор туманида жойлашган ҳарбий қисмлардан бирида Қуролли Кучларнинг тегишли куч тузилмалари ҳамда давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда «Қўриқланаётган объектга ҳужум бўлганда ва фавқулодда ҳолатлар юз берганда ўта муҳим объектларнинг хавфсизлигини таъминлаш» мавзусида махсус тактик ўқув машғулоти бўлиб ўтди.

эрта тонгдан шартли душман шаҳардаги ўта муҳим объектни қўлга олганлиги тўғрисида маълумот олинди. Шу асосда ҳарбий қисм шахсий таркиби «Тревога» сигнали бўйича юқори жанговар шайликка келтирилди. Зудлик билан белгиланган жойларда қўриқлов ишлари амалга оширилиб, вазиятга аниқлик киритилгач, бўлинмаларга мавжуд вазият бўйича вазифалар қўйилди.

Асосий босқичда ҳарбий хизматчилар учувчисиз учиш аппаратини яқсон қилиш, қўриқланаётган иншоотга киришга ҳаракат қилган шахид-

ўқув машғулотлари режасига кўра,

мобиль автомобилни зарарсизлантириш, объект ҳудудида вужудга келган ёнғинни



бартараф этиш, гаровга олинган ишчи ва хизматчиларни қутқаришга киришди. Аниқ ва тезкорлик билан амалга оширилган тактик ҳаракатлар ўз самарасини берди: учувчисиз учиш аппарати ва шахидмобиль зарарсизлантирилди, ёнғин бартараф қилинди ва гаровга олинганлар талафотларсиз озод этилди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур ўқув машғулотида ҳарбий хизматчиларнинг жанговар шайлиги, ҳамкорликда тактик ҳаракатларни олиб бориши, мураккаб вазиятларда тўғри қарор қабул қилиш кўникмаси, қўриқланаётган объект хавфсизлигини таъминлаш борасидаги билим ва тажрибалари синовдан ўтказилди.

**Тоифаланган объектларни қўриқлаш
қўшинлари қўмондонлиги
матбуот хизмати**

ТА'ЛИМ

ИЛМ-ФАН ВА ИННОВАЦИЯ – ТАРАҚҚИЁТ ЗАМИНИ

Жорий йилда Ватанимиз мустақилликка эришганига 30 йил тўлади. Албатта, бу тарихий сана бутун халқимиз билан биргаликда, «Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!» девон эзгу ғоя асосида кенг нишонланади.

Мамлакат тараққиётининг замини, ҳеч шубҳасиз, илм-фан ва инновациялардир. Илм-фан ва инновациянинг ривожини ўзаро ҳамкорлик ва илғор тажрибаларнинг алмашинувисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрь куни Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида «Янги Ўзбекистон – мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади. Бу маънода нуфузли хорижий университетлар, илмий ва инновация марказлари билан алоқаларни кучайтириш, улар билан юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича ҳамкорликни янада кенгайтириш зарур», дея таъкидлади.

Ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш йўналишида 2019 йил 29 октябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси «Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида»ги қонунининг 10-моддасида «Фуқаролар, нодавлат ноижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари илм-фан ва илмий фаолият соҳасида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиши ҳамда уларга кўмаклашиши» алоҳида кўрсатилган.

Жанговар ҳаракатларда ҳамкорлик эса турли Қуролли Кучлар ва қўшинлар турларининг жангда кўзланган мақсадларга эришиш учун топширик мазмуни, бажариладиган вазифалар, ўтказиладиган тадбир жойи, вақти ва усуллари бўйича мувофиқлаштирилган, биргаликдаги уйғун ҳаракатларидир.

Ҳамкорлик Қуролли Кучлар, қўшинлар ва махсус қўшинлар турларига мансуб бўлинма, ҳарбий қисм, қўшилма ва бирлашмалар орасида ташкиллаштирилади. Қўшинлар ҳамкорлигининг тартиби командир, қўмондон томонидан жангга қарор қабул қилиш мобайнида белгиланади ва бу борадаги кўрсатмалар бўйсунувчилар олдида жанговар вазифа қўйиш билан бир вақтда бериб ўтилади. Ҳарбий ҳаракатларни ташкиллаштириш ва олиб боришнинг кейинги босқичларида ҳамкорлик тадбирларига аниқликлар киришиб борилади.

Ҳамкорлик, одатда:

– *тактик поғонада* – ҳаракат жойида;

– *оператив поғонада* – харита ёки жой макетида, вақт тақозо этган

ҳолларда эса – ҳаракат жойида ҳам ташкил этилади.

Ҳамкорликни ташкил этиш борасидаги асосий масалалар тактик, қўмондонлик-штаб ўқувлари ва машқларида ўрганиб борилади.

Мудофаа вазирлиги олий ҳарбий таълим муассасалари

томонидан республикамизнинг етакчи олий таълим муассасалари ва тадқиқот марказлари билан имзоланган **келишувлар, меморандумлар ва «йўл хариталари»** асосида ҳарбий илм-фаннинг барча истиқболли йўналишларида ҳамкорлик ва ўзаро тажриба алмашиш амалга оширилмоқда. Жумладан:

ҳарбий таълим ҳамда миллий ҳарбий-илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш сифатини юксалтириш; миллий ҳарбий санъат тарихи, буюк аждодларимизнинг бой ҳарбий мероси, уларнинг саркардалик маҳорати, стратегия ва жанг тактикаси бўйича тадқиқотлар ўтказиш ҳамда атоқли тарихий саркардаларимизнинг қахрамонлик намуналарини ўрганиш;

илмий ходимларининг малакасини ошириш ва илмий амалиёт ўташ, ҳарбий-илмий тадқиқотлар методологиясини такомиллаштириш бўйича онлайн тренинглари ва маҳорат дарсларини ўтказиш; ҳарбий соҳада миллий, минтақавий ва халқаро хавфсизлик муаммолари, замонавий ҳарбий низоларнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида илмий, услубий адабиётлар, луғатлар, таҳлилий материаллар билан ахборот-ресурслар базасини тўлдириш;

олий таълим муассасалари ва тадқиқот марказлари билан ҳамкорликда ҳарбий илм-фаннинг долзарб муаммолари тўғрисида илмий нашрларда мақолалар ва илмий асарларни чоп этиш, монография, дарслик ва бошқа илмий ишларни тақриз қилиш;

ҳарбий-илмий тадбирларда ва тадқиқот лойиҳаларида мутахассисларнинг фаол иштироки;

инновация ғоялари ва технологиялари, рационализаторлик, ихтирочилик фаолиятида, курсантлар ва тингловчилар ҳарбий-илмий жамият тўғрақлари фаолиятини ташкиллаштириш;



Мудофаа вазирлиги қўшинларининг жанговар шайлиги ва салоҳиятини ошириш, уларни қўллаш бўйича раҳбарий, меъёрий-ҳуқуқий ва низом ҳужжатларини ҳамкорликда тайёрлаш.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси томонидан республикамизнинг 25 та етакчи олий таълим муассасаси, тадқиқот марказлари билан илмий, инновация, ўқув ҳамда услубий йўналишларда ўзаро ҳамкорлик битимлари, «йўл хариталари» тузилган ва имзоланган.

Шу билан бирга, **Мудофаа вазирлиги олий ҳарбий таълим муассасалари** ўртасида ҳарбий илм-фан ва таълимнинг барча устувор йўналишларида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш, пандемия шароитида янги ҳамкорлар ва улар билан самарали ишлаш механизмларини ишлаб чиқиш бўйича манзилли чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Қуролли Кучлар академиясининг «ақлий марказлар» билан илмий ҳамкорлигининг мисоли сифатида 2021 йил 19 март куни «**Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси ҳарбий-илмий фаолияти тажрибаси**» мавзусида ўтказилган давра суҳбатини келтириш мумкин.

Илмий тадбир Қуролли Кучлар академиясининг ҳарбий-тадқиқот ва инновация фаолиятини ташкиллаштириш тажрибасини ўрганиш, илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликни

ривожлантириш бўйича истиқболли йўналишларни белгилаш, илмий-тадқиқот, ахборот-таҳлилий фаолиятни такомиллаштиришга қаратилган методология ва илғор услубий ёндашувлар асосида ўзаро тажриба алмашиш мақсадида ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Мудофаа вазирлиги бошқармалари, Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий таълим муассасалари илмий бўлинмалари мутахассислари ҳамда Қуролли Кучлар академияси Илмий-тадқиқотлар институти ходимлари иштирокидаги тадбирда тизимда бўлаётган ўзгаришлар, ҳарбий-илмий фаолият бўйича тажриба алмашиши амалга оширилди.

Давра суҳбати давомида ҳарбий-илмий жараён ҳамда Илмий-тадқиқотлар институти фаолияти юзасидан мутахассисларнинг маърузалари тингланиб, истиқболдаги илмий ҳамкорликни янада такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар муҳокама этилди.

Хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда мавжуд илм-фан, инновация ва таълим тизимларида фаолият юритувчи етакчи олий таълим муассасалари ва тадқиқот марказлари билан яқин ҳамкорлик илғор тажриба ва услублар, янги билим, тадқиқотлар олиб боришнинг самарали ёндашувларнинг ўзаро алмашинувида, ҳарбий илм-фан ва таълим тизимларини комплекс такомиллаштиришга имкон яратди. Инновация ғоялари ва технологияларини мудофаа соҳасига кенг татбиқ этишни таъминлайди.

Полковник Шавкатбек МАМАЖОНОВ, Қуролли Кучлар академияси бошлиғи

КОСМОСГА СТРАТОСТАТ УЧИРГАН



ЁШ ИХТИРОЧИ ЙИГИТ

Хеллен Келлер шундай деган эди: «Кимдаки учишга бўлган иштиёқ уйғонса, судралишни ҳеч қачон хоҳламайди». Дарвоқе, улкан мақсадлар билан яшайдиган, катта марраларни кўзлашдан, уларни забт этишдан чўчи-майди, коинотга чиқишдек юксак орзуларга ишонишдан тўхтамайди ёшларимиз бисёр. Улар ўз ютуғи билан миллионлаб ўзбек ёшларига илҳом беради ва катта орзулар ортидан эргашишга ўргатади. Зиёдилла Бутаханов ана шундай ихтирочи ёшларимиздан бири.

Бугунги кунга келиб ўзбек сегментидаги ижтимоий тармоқларда Илон Маскнинг давомчиси сифатида тилга олинаётган ўзбек ўғлони чин маънода ёшларни илм-фанга бўлган қизиқишини икки қарра оширди, уларда коинотни забт этишга бўлган ишонччи уйғота олди. Ўзбекистон тарихида илк марта стратосферага стратостат учирган фарғоналик ёш ихтирочи 42 минг метр баландликдан ерни тасвирга олишга эришди. «Муваффақиятсиз уринишлар мақсадимга эришиш учун бўлган иштиёқимни сусайтирмади, аксинча янада ғайрат билан ишлашимга мотивация берди», дейди у «Vatanparvar» билан бўлган суҳбатда.

«Исми Зиёдилла. 1998 йил Фарғона вилоятининг Қува туманида туғилганман. Ёшлигимдан дастурлаш, робототехника, электроника ҳамда космонавтикага қизиқардим. У вақтларда бу соҳаларга хобби деб қараганман. Улғайганим сари космонавтика соҳаси мени тобора ўзига жалб қила бошлади ва космосни забт этиш мақсадимга айланди. Бунинг учун анча довлонларни ошиб ўтишимга тўғри келмоқда», дейди ёш ихтирочи.

Ракетами ёки стратостат?

Аввал космосга ракета учирмоқчи эдим. Ҳатто бунинг учун дастлабки қадамларни ҳам ташлашга улгурдим. Аммо, лекин, бироқ... унинг молиявий

жиҳатдан жуда қимматлиги, керакли бўлган ракета қисмлари ўзимиздан топилмаслиги фикримни ўзгартиришимга сабаб бўлди ва космосга стратостат учиршга қарор қилдим. Бу иш ҳам мен ўйлаганчалик осон эмас экан. Жуда кўп вақтим лойиҳалашга, амалий ишларга сарф бўлди. Умумий 1 йил вақт давомида шу иш билан шуғулландим, десам ҳам бўлади.

Қаловини топсанг, қорға олов ёқасан!

Ташқи дизайнни ишлаб чиқиш кўп вақтимни олмасди. Асосий қилинадиган ишлардан бири дастурий таъминот эди. Шунинг учун IT-дастурчиларга ва робототехникага қизиқувчи одамларга ҳамкорлик ҳақида гап очсам, кўпчилиги устимдан кулиб, нореал лойиҳа сифатида қарашди.

Шундан кейин дастурлашни ўрганиб, лойиҳани ўзим бошлашга қарор қилдим. Аппаратни яратиш давомида кўплаб фанлардан дарс олишимга тўғри келди. Физика қонунларини билмасдан, кимё, математика, геометрия фанларини чуқур ўзлаштирмасдан туриб бу ишни амалга оширолмасдим.

Стратостатни фазога учирш учун ё водород ё гелий газидан фойдаланиш керак. Водород тез ёнишга мойиллиги туфайли гелий газини танладим. Бу газ Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидан фақат Россияда бор экан.

Муваффақиятсиз уринишлар

Биринчи парвоз учун умумий ҳисобда 2,5 минг доллар харажат қилишимга тўғри келди. Кейинги пар-

Президентимизнинг 2019 йил 30 августдаги «Ўзбекистон Республикасида космик фаолиятни ривожлантириш тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги (Ўзбеккосмос агентлиги) ташкил этилган.



Возлар ҳам арзонга тушмади, албатта. Стратостатни ҳавога учирдим. 1 соат ўтди, 2 соат ўтди ҳамки, сигнал келмади. Шунча қилган меҳнатим, сарфлаган пулларим бир зумда ҳавога учиб кетди.

Иккинчи парвоз ҳам мен кутган натижани бермади. Анча кун қўлим ишга бормай қолди. Лекин буни, албатта, амалга ошира олишимга шубҳа қилмасдим. Ҳар сафарги самарасиз парвозлар менга хатоларимни бир қадар кўрсатар, тажриба ва кўникмаларимни оширишга ёрдам беради. Хатоларимни кейингиларида тузатиб борардим.

Бешинчи парвоз

Бешинчи парвоздагина дастлабки сифатли кадрларни олишга эришдим. Лекин шамол тезлиги туфайли стратостат Фарғонадаги «Каркидон» сув омбори билан Қирғизистон чегараси оралиғидаги қуруқликка тушган эди. Кейин билсам, у жой ҳарбий база ҳудуди экан. Ясаган аппаратимни у жойда қолдира олмас эдим. Бориб, ҳарбий база бошлиғига ясаган мосламам уларнинг ҳудудига тушганини айтдим. Бошлиқ жойни текшириб келиш учун хизматчиларни юборди. Кўришса, ҳақиқатдан парашютли аппарат турган экан. Энди парвозни муваффақиятли амалга оширишим зарур эди. Шу ўй ишни охирига етказишимга тўртки берди.

Сўнги парвоз – сўнги умид

Жами 6 марта космосга стратостат учирдим. Олтинчи парвозда ҳам ўзига яраша қийинчиликлар бўлди. Шамол тезлигини нотўғри ҳисоблаганим учун стратостат қўшни Қирғизистоннинг баланд тоғларига тушганди. У ердан стратостатни олиб келишни ақлимга сиғдира олмас эдим. Бироқ айбисизлигимни исботлашим учун ҳам ўзимда куч топиб, Қирғизистонга йўл олдим. Бунда менга у ердаги танишларим ёрдам қўлини чўзди.

Стратостат Қирғизистоннинг Ўзген ҳудудига қирувчи баланд тоғларга тушганди. Ҳозир бу тоққа чиқадиган бўлсам, стратостатни қандай топаман, деб ўйлай бошладим. Бу худди сомон уюмидан игна қидириш билан баробар. Тоққа боргач ҳам мосламагача 18 км пиёда йўл юрдик. Етиб боргач, стратостатни кўриб, қувонганимдан йиғлаб юбордим. Мен учирган мини спутник 42 671 метр баландликдан ерни тасвирга олган эди. Суратларнинг сифати шунчалик тиниқ эдики, уларда Ўзбекистон, Қирғизистон ва водийнинг космосдан олинган тасвирлари бор эди. Охириги парвозимни муваффақиятли амалга оширдим, деб айта оламан.

Президент билан учрашув

«Лойиҳани Ёшлар куни арафасида Президентга олиб чиқдик. Лойиҳам маъқул бўлди. Президентимиз томонидан Турин политехника университетида ўқишим учун грант ажратилди.

Юртимиз мустақиллигининг 30 йиллигига бағишланган катта бир лойиҳа бошлаб қўйганмиз. Насиб қилса, байроғимизни стратосферанинг энг юқори чўққисига олиб чиқмоқчимиз. Бунинг учун Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан 100 миллион сўм грант ажратилди.

Келгусида МДХ мамлакатлари орасида биринчи бўлиб энг катта хусусий космос агентлигини очиш ва соҳа ривожига ўз ҳиссамни қўйишни мақсад қилганман.

Шерзод ЭГАМБЕРДИЕВ
ёзиб олди.

Стратостат (лот.

stratum – қатлам ва юнонча *statos* –

кўзгалмас) – стратосферага учирш учун мўлжалланган аэро-

стат. Экипажли стратостат гондолоси (механизмлар, озиқ-овқат ва бошқалар туради-

ган хона) герметик берк қилиб ясалади, махсус илмий асбоб ва аппаратлар билан жиҳозланади. Кўтарилиш

баландлиги ва учиш массасига қараб стратостат ҳажми 100 000 м³ гача бўлади. Ердан туриб, автоматик тарзда бошқариладиган стратостатлар кенг тарқалган. Ҳозир стратостатдан илмий-тадқиқот, аэрофотосъёмка, парашютдан сакраш, метеорологик ракеталар учирш ва бошқа мақсадларда фойдаланилади.

KELING, KITOV O'QIYMIZ

Утган ҳафта аввалида совға олдим. Почта орқали келди. Совға олиш соз-да, кўнглингдаги совғани олиш эса қувончинг-ни янада зиёда қилади. Бир неча йилдан буён Нукус шаҳрида истиқомат қилаётган ижодкор синглимиз Шоҳиста Абдурахмонова Нобель мукофоти соҳибаси Малала Юсуфзоининг «Мен Малаламан» автобиографик асарини йўллади. Бу китоб ҳақида аввал эшитган эдим-у, аммо она тилимизга ўғирилганидан беҳабар эканман. Қалби гўзалликка ошно инсонларнинг амаллари ҳам гўзал бўлади. Гўзал инсоннинг гўзал тўхфасидан миннатдор бўлиб, уни сизларга ҳам тавсия этишни лозим деб билдик.

Азиз ўқувчиларимизга Малала Юсуфзои номи бегона эмас, албатта. У Нобель мукофотига сазовор бўлганида бор-йўғи 17 ёшда эди. «Мен Малаламан» ҳаётий қиссаси таржимон Аҳрор Шариф томонидан илк марта ўзбек адабий тилига чевирилди.

Қиссанинг «Ҳаётим ўзгарган кун» деб номланган муқаддимаси шундай бошланади: «Мен ярим тунда яратилган мамлакатда туғилгандекман. Ўлим ёқасига келиб қолганим тахминан пешин вақтига тўғри келади.

Бундан бир йил олдин мактабга бориш учун ўйдан чиқиб кетдим ва ортага қайтмадим. Толибонларнинг ўқи қўқсимни тешиб ўтди ва Покистондан ҳушсиз ҳолда олиб чиқиб кетилдим. Баъзи одамлар энди ҳеч қачон уйингга қайтмайсан, деб айтишади, аммо мен ич-ичимдан қачондир қайтишимни ҳис қиламан. Албатта, киндик қони тўкилган Ватан билан абадий хайрлашишни ҳеч ким хоҳламаса керак».

Бугун ижтимоий тармоқларни кузатсангиз, мутаассибона қарашларга ҳам бот-бот дуч келасиз. Бундай қарашлар фикрларнинг торлигидан, илмсизликдан келиб чиқади. Мен илк марта мактабга борган кунимдан берига кўп сувлар оқиб ўтди. Аммо ўша кун қувончини, ҳаяжонларини ҳеч унутмадим. Ва ишонманки, бу юртда яшаётган деярли ҳар бир тенгдошимнинг ҳам бу борада гўзал хотиралари бор. Шунингдек, бугунги кун ўқувчиси билан менинг болалигимда ҳам катта фарқ бор. Аммо ҳар иккисида ҳам битта умумийлик – Тинчлик бор.

Кўзларимиз кўникиб қолган шинам, ёруғ мактаблар, чарақлаган юлдуз каби ўғил-қизларимизнинг кўчаларда эмин-эркин юришлари ҳам бахт аслида. Биз учун фарзандларимиз ўғилдир, қиздир бирдек қадрли. Бирини бирдан устун қўймаймиз, бирдек имкониятлар мавжуд. Чунки биз секуляр давлатда яшаймиз. Аммо айни ҳолатнинг тамоман акси ёнимиздаги айрим давлатлар учун табиий ҳолдир. Булар Малала Юсуфзоининг ҳаётий қиссасида ёрқин ифодаланган.

Ўқиймиз: «Мен ҳам отамга ўхшаб хаёлпараст эдим. Баъзи пайтларда дарсда хаёлим қочиб, ўзимнинг жангари кинолардаги ҳаётга тушиб қолганимни тасаввур қилардим, хаёлимдаги террористлар мени айнан ўша зинапоя устида отиб ўлдиришарди. Ўша ҳолатга тушиб қолсам, қандай йўл тутишим мени доимо ташвишга со-



ларди. Балки туфлимни ечиб, жангарининг юзига зарба берарман? Лекин шунақа қилсам, менинг ҳам жангаридан фарқим қолмайди-ку! Яхшиси, бунақа деб қўя қоламан: «Хўп, мени отиб ташла, аммо аввал сўзларимга диққат қил. Сен қилаётган иш хато. Мен сенга шахсан қарши эмасман, шунчаки, ҳар бир қизнинг мактабга боришини хоҳлайман, холос».

Бизнинг фарзандларимиз хаёлида нималар борлигини аниқ айтиб бера олмайман, аммо бундай ўйлар уларни қийнаслигини, ташвишга солмаслигини жуда яхши биламан.

Яна Малаланинг қиссасига қайтамыз. Қизалоқнинг террористлар ҳақидаги ташвишлари бежиз эмас эди. Шундай бир кун келди... Бу ҳақда кейинроқ тўхталамыз.

Ўқиймиз: «Қишлоқдаги барча аёллар паранжи ёпиниб олишади, яқин қариндоши бўлмаган эркакка юзини кўрсатиш нари турсин, гапириш ҳам катта гуноҳ саналади.

...Пуштун бўлганимдан фахрлансам-да, миллатимизнинг одоб-ахлоқ қоидаларида жуда кўп кераксиз қоидалар мавжуд, деб ҳисоблайман. Аёллар амал қилиши керак бўлган қонун-қоидалар эса шунчаки даҳшатнинг ўзгинаси. Қўшнимиз Шоҳида опанинг айтиб беришича, отаси уни ўн ёшлигида қариб қуюлмаган, хотини бўлса ҳам, ёшрогини кўнгли тусаб қолган чолга сотиб юборарди.

Қишлоғимизда 15 ёшли жуда гўзал Сима исмли қиз яшарди. Бутун қишлоқ унинг бир йигит билан севишганини яхши биларди. Нигоҳлар тўқнаш келганида меҳр билан бир-бирига тикилишганини кўрган бошқа қизлар ҳасад ўтида ёнарди. Бизнинг одатларга кўра, қиз бола бировни севиб қолса, оиласини иснодга қўйган бўлади. Эркакларга эса ҳамма нарса мумкин. Орадан бир оз вақт ўтиб, Сима ўзини осгани ҳақидаги хабар бутун қишлоққа тарқалди, аммо кейинчалик қиз оила аъзолари томонидан заҳарлаб ўлдирилгани ойдинлашди».

Наҳотки шундай гўзал, бебаҳо туйғу иснод саналса?! Азиз ўқувчи, эҳтимол, сиз бунга бир бадий тўқимадир, деб ўйлаётгандирсиз. Йўқ, бадий тўқима эмас, бу Покистоннинг тоғли Шангла қишлоғи, Малала Юсуфзоининг кўрган-кечирганлари.

Ўқиймиз: «Бир куни Сўфи Муҳаммад қамоқдан туриб аёллар умуман ўқимаслиги керак, деб фатво чиқарди. У: «Агар кимдир тарихдан ислом аёлларнинг ўқишига руҳсат бериши борасида мисол топа олса, бемалол келиб соқолимга пешобини тўкишлари мумкин», деган изоҳ билан фатвосини янада ишончлироқ чиқишини таъминлади. Шундан сўнг «Мулла радиоси» қизлар



ТИК ТУРИБ ТАЪЛИМ ОЛГАН



ҚИЗАЛОҚ ҲИКОЯСИ

мактабларига катта эътибор беришни бошлади. Ҳар куни мактаб раҳбарларининг номи радиодан «дўзахий» деб эълон қилинар, мактабни ўз хоҳиши билан ташлаб кетган қизларни ушбу солиҳ амал билан табриклашарди. «Фалонча хоним жаннатга бориш учун мактабни ташлаб кетди. Менга ўхшаб мактабга боришни давом эттирган қизлар ҳақида гап кетганда, бизларни шайтоннинг фарзандлари дейишдан тап тортишмасди».

Азиз замондош, шундай ғоялар таъсирида сиз ўқишни давом эттира олармидингиз?

Қандай қилиб чекка бир қишлоқ кизи дунё назарига тушди? Омадли эдимиз? Курашчанликми? Таълимнинг оҳанрабои борми?

Ҳа, у омадли, курашчан қиз эди, мактабда ўқишни севарди. Чунки унинг маърифатли отаси бор эди. Узининг ёзганларига қараганда у кўпроқ отасига ўхшарди.

Ўқиймиз: «Агар одамлар мактаблар, йўллар қуришни ёки дарёни ўзлари ташлаган ахлатлардан тозалашга ҳам мана шундай кўнгилли равишда келишганида эди, Покистон бир йил ичида ҳақиқий жаннатга айланар эди. Аммо улар фақат масжид ва мадрасалар қурилишидан фойда бор деб ўйлашади...

Мен ҳам аёл ўқитувчилар қизларни ўқитишини чин дилдан хоҳлайман. Аммо Покистонда уларнинг сони жуда ҳам оз. Биз қизларни келажакда ўқитувчи сифатида тарбиялаш учун ҳам ўқитишимиз керак».

Малала бир муслима қиз олиши керак бўлган тарбияни олган. Қуръонни англаган, намозларини қанда қилмайди. Бир «айби» энди ҳеч қачон мактабга бормаслик ҳақида ўйлаш уни даҳшатга солади.

Ўқиймиз: «Энди ҳеч қачон мактабга бормаслик ҳақида ўйлаш мени даҳшатга соларди. Атиги ўн бир ёшда бўлсам ҳам, бутун борлигимни йўқотиб қўйгандек ҳис қилдим. Илгари мен толиблар фақат оғизда дўқ уришади, қилган таҳдидларини амалда бажаришмайди, деб ишонардим ва синфдошларимни ҳам бунга ишонтирдим: «Улар сиёсатчиларимиз билан бир хил – камдан-кам ҳолатларда ваъдаларини бажаришади», деган гапни ҳар бир синфдошим қулоғига қуйиб чиқардим. Мактабимиз ёпилгани сабабли нима қилишни

билмай қолдим. Қўлимдан фақатгина йиғлаш келарди. Онам мени юпата олмасдан, менга қўшилиб йиғлади, отам эса ўзини қўлга олиб, бир гапни айтишдан чарчамади:

– Қачондир, албатта, мактабга борасан!..»

Азиз ўқувчи, бу парчалар билан Малала исми жасур пуштун қизини танитиш мушкул. Унинг ўн беш ёшга қадар босиб ўтган ғоят мураккаб ҳаёт йўлини билишни истасангиз, бу китобни ўқишингиз керак. Мазкур китобни ўқиш асносида қалбингиз шукроналик ҳисларига тўлиши шубҳасиз. Биласизки, биз китоб тавсия қилганимизда унинг мазмун-моҳиятини айтиб беришдан чекинамыз. Бундай тавсия мутолаа завқига путур етказмайди.

Яна **ўқиймиз:** «...Интернетга кириб, ўша куни толибон икки аёлни, яъни Дири шаҳрида яшовчи ҳуқуқ ҳимоячиси Шод Бегум ва мактаб ўқувчиси Малала Юсуфзоини (яъни мени) ўлимга ҳукм қилгани ҳақидаги хабарни кўрсатди. Баёотда қуйидаги сўзлар ёзилганди:

«Бу аёллар имонсизликка даъват қилишмоқда, шунинг учун уларни жаҳаннамга тезроқ равона қилиш ҳам фарз, ҳам қарз».

Мен бу таҳдидларни жиддий қабул қилмадим, чунки бунақа гапларни интернетда ёзиш жуда осон. Агар ўлдирадиган одам интернет орқали қўрқитиб ўтирмайди, шарт келиб тинчитиб кетади».

Аммо ўша кун келди.


Ўқиймиз: «Йўлни тўсиб қўйган икки ёш йигитни пайқамадим. Автобус бошқа сабаб билан тўхтаб қолди, деб ўйладим. Тўсатдан курул кўтарган икки йигит рўпарамизга келишганида уларнинг муддаосини тушундим:

– Қайси бирингиз Малала?

Мен уларга дунёдаги барча қизлар, шу жумладан, сингиллари ва қизлари ҳам мактабга боришга ҳақли эканлигини тушунтиришга улгурмадим... Учта ўқ овози эшитилди... Барча қизлар йўл бўйи йиғлаб кетишди. Монибанинг тиззасида ётганим элас-элас ёдимда, бошим ва чап қулоғимдаги жароҳатдан қон отилиб чиқди...»

Ортиқ сўз қўшишга имконим ҳам, истагим ҳам йўқ. Ўқинг, азизлар, бу Малаланинг ҳикояси...

Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Vatanparvar»



MARD O'G'OLON

Сарҳадларда Сергак Азамат

«Ёшлар куни» муносабати билан Президентимизнинг тегишли қарорига кўра, бир гуруҳ фидойи, шижоатли йигитлар «Мард ўғлон» давлат мукофоти билан тақдирланди. Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари контракт бўйича ҳарбий хизматчиси, оддий аскар Азамат Кўпалбаев ҳам ана шундай бахтиёр ёшлардан бири. Қуйида у билан бўлиб ўтган суҳбатни эътиборингизга ҳавола этамиз.

– Давлат мукофотига сазовор бўлдингиз, қалбингиздан қандай туйғулар кечмоқда?

– Бугун энг бахтиёр ёшлардан бириман. Қалбимдаги қувонч ва ҳаяжонни сўз билан ифода-лаш қийин. Аввалги йилларда тақдирланган сафдошларимни кўриб, уларга ҳавас қилиш баробарида қалбимда мен ҳам, албатта, «Мард ўғлон» давлат мукофотига сазовор бўламан, деган мақсад пайдо бўлганди. Кучли хоҳиш ва ирода билан ҳар қандай мақсадга эришиш мумкинлигига бугун яна бир бор амин бўлдим. Мукофотни давлатимиз раҳбарининг ўзлари кўксимга қадаб, «Табриклайман, болам», деди. Жуда ҳаяжонли дақиқалар эди. Ўзим ҳам дил изҳорларимни билдирар эканман, юртбошимизга барча чегарачи сафдошларим номидан шу азиз ва муқаддас Ватанимизнинг ҳар қарич ерини, халқимизнинг тинчлигини сақлаш учун сарҳадларда сергак туриб, бутун борлигимизни бахшида этишга, керак бўлса жон фидо қилишга ваъда бердим. Бу кун ҳаётимдаги энг унутилмас он бўлди.

– Ҳарбийлик бу – катта шараф ва шу билан бирга улкан масъулият, бу йўлни танлашингизга нима сабаб бўлган?

– Мактабда таҳсил олган чоғларимданок ҳарбийликка меҳрим бўлакча эди. 7-синфни тамомлаб, спорт мактабида, ундан сўнг Урганч Олимпия захиралари коллежида таҳсил олдим. Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари сафида жанубий сарҳадларимизни кўриқлаш бўйича муддатли ҳарбий хизматни ўташ чоғимда ёшликдаги қизиқишларим янада ортиб, мени аниқ мақсад сари йўналтирди. Яъни муддатли ҳарбий хизматим давомида ҳарбий бўлишга қатъий аҳд қилдим.

– Спорт йўналишида таҳсил олганман, деддингиз, қайси спорт турлари билан шуғуллангансиз?

– Ҳаётимни спортсиз тасаввур



эта олмайман. Кўл жанги, дзюдо ва самбо спорт турлари билан шуғулланиб, юқори натижаларга эришишга муваффақ бўлдим. Ҳарбийликни танлашимда ҳам спортнинг ўрни катта бўлган. Зеро, ҳарбий хизматчи ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом, баркамол бўлмоғи лозим. Бугунги кунда ҳарбий хизмат ва спортни баробар олиб бо-

ришга ҳаракат қиляпман. Спортда бир қатор натижаларга ҳам эришдим. Бир неча йилдан буён Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчилари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ўртасида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси томонидан ўтказилаётган самбо ва жанговар самбо спорт турлари бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақаларида иштирок этиб келяпман. 62 кг вазн тоифасида 1 ўринни қўлга киритганман.

Халқаро миқёсдаги мусобақаларда ҳам қатнашиб, юқори натижаларга эришганман. Жумладан, Қозоғистон Республикасининг Олмаота шаҳрида МДҲга аъзо мамлакатлар Чегара идоралари ҳарбий хизматчилари ўртасида ўтказилган самбо мусобақаларида икки йил давомида кетма-кет 62 ва 68 кг вазн тоифасида фахрли ўринларни қўлга киритдим. Жисмоний тайёргарликдан эришган юқори натижаларим учун ДХХ Чегара қўшинлари миқёсида «Йилнинг энг яхши спортчиси» дея эътироф этилиб, махсус кубок билан тақдирландим, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раисининг тегишли буйруғига асосан, самбо спорт тури бўйича «Ўзбекистон спорт устаси» унвонини олишга муваффақ бўлдим.

Бундан ташқари, ўзим хизмат қилаётган гуруҳ таркибида ҳам бир қатор ҳарбийлаштирилган спорт мусобақаларда, ўқув-амалий машғулотларда қатнашиб келмоқдаман. Жумладан, Қуролли Кучлар махсус бўлинмалари ўртасида ўтказилган «Жанговар дўстлик – 2020» ўқув-тактик беллашувида гуруҳимиз билан 7 та босқичдан муваффақиятли ўтиб, умумий ҳисобда фахрли 1-ўринни эгалладик.

– Шундай натижаларга эришингизга ҳисса қўшган устозларингиз ҳақида сўзлаб берсангиз?

– Энг биринчи устозларим бу – ота-онам. Боиси, улар мени спортга қизиқтирган, ҳар бир ютуғимдан қувониб, мағлубиятларимда руҳий далда беришган, ҳар бир мағлубият ортидан албатта, ғалаба

келишига ишонтиришган. Ўз навбатида,

спорт мактабидаги устозим Шавкат Убайдуллаевнинг хизматларини ҳам алоҳида айтиб ўтмоқчиман. Мендек содда, ғўр болакайнинг кучли, иродали бўлиб улғайишимга сабабчи бўлган, спортда эгаллаган барча малака ва кўникмаларимга илк тамал тошини қўйган ҳам шу инсон бўлади. Ҳарбий соҳада эса мендан бир кун бўлса-да кўпроқ хизмат қилган барча ҳарбийларни ўзимга устоз деб биламан ва ҳар бир сафдошимнинг ижобий жиҳатларини ўрганишга ҳаракат қиламан.

– Сиз учун Ватан туйғуси нималарда намоён бўлади?

– Мен Жалолиддин Манғубердидек буюк саркардалар улғайган қадимий, тарихий ўлка Хоразм воҳасининг Боғот тумани Нурафшон шаҳарчасида туғилганман. Боғот азалдан олма ва узумли боғлари билан машҳур. Оилада тўрт фарзанднинг ичида ягона ўғилман. Отам мард, жасур бўлсин деб исминни Азамат қўйган эканлар, қалбимдаги шижоат ва жўшқинликнинг боиси ҳам шундан бўлса керак. Бу гапларни айтаётганимнинг боиси, мен учун Ватан ана шу сўлим боғлар, қадрдон Нурафшон шаҳарчам, ота-онам ва опа-сингилларим. Уларнинг тинчлигини кўз қорачиғидек асраш эса менинг фарзандлик бурчим.

– Фарзандларингиз ҳақида ҳам айтиб ўтсангиз.

– Оилалиман. Бир ўғил ва бир қиз фарзандим бор. Рафиқам билан бирга фарзандларимизга яхши тарбия беришга ҳаракат қиляпмиз. Уларнинг келажакда илмли, юртимизга нафи тегадиган инсон бўлиб етишишини хоҳлайман.

– Ҳозирги кунда ўзингиз ҳам ўқув марказида таҳсил олаётган экансиз, келгусидаги режаларингиз қандай?

– Инсон ўқиб-изланишдан толмаслиги керак. Спорт машғулотлари билан бир қаторда китоб ўқишни яхши кўраман. Зеро, бугуннинг ҳарбий хизматчиси ҳар томонлама етук, минтақамиздаги ҳарбий-сиёсий вазиятдан доим бохабар, тобора янгиланиб бораётган ахборот технологияларини яхши ўзлаштирган бўлиши керак. Мен ҳам ота-онамнинг ишончини оқлаб, тенгдошларимга, фарзандларимга ҳар томонлама ўрнак бўладиган малакали мутахассис бўлишга ҳаракат қиламан. Билимни ёдда сақлашнинг энг самарали усули уни кимгадир ўргатиш, шу сабабли келгусида ўз билим ва тажрибамни издошларимизга ўргатишни ҳам ният қилганман.

– Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.

**Капитан
Фарида БОБОЖОНОВА
суҳбатлашди.
Чегара қўшинлари
матбуот хизмати**

SAYYOR QABUL

118 та мурожаатнинг ижроси таъминланди

Давлат раҳбарининг тегишли топшириғи асосида Президент маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Бахтиёр Исламов раҳбарлигидаги Республика ишчи гуруҳи таркибида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори генерал-майор Шухрат Узаковнинг Андижон вилояти бўйлаб оммавий сайёр қабули Андижон, Бўстон, Асака ва Қўрғонтепа туманларида бўлиб ўтди.

Хусусан, оммавий қабулнинг охири кунда вилоятнинг Қўрғонтепа тумани Жаннатбулоқ маҳалласидаги «Сайилгоҳ» дам олиш масканида карантин қоидаларига қатъий риоя қилинган ҳолда ўтказилган қабулда Қўрғонтепа, Жалақудук, Хўжаобод туманлари

ва Хонобод шаҳридан ташриф буюрган фуқаролар қабул қилиниб, уларни қийнаб келаётган муаммолар бўйича ҳал қилув чоралари кўрилди.

Вилоятда 3 кун давом этган оммавий қабуллар жараёнида фуқаролардан тергов ва суриштирув, суд

қарорлари ва уларнинг ижроси, маҳаллий ҳокимият ва ўзини ўзи бошқариш органлари мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари, ижтимоий-иқтисодий масалалар, уй-жой, моддий ёрдам, қурилиш, коммунал ва бошқа соҳалар бўйича 118 та мурожаат келиб тушди.

Қабулда мурожаатларнинг 19 таси жойида ҳал қилинди, 31 тасига тунтуририш берилган бўлса, 52 таси

қўшимча ўрганишларни тақозо этганлиги боис, ижро учун назоратга олинди.

Шунингдек, оммавий қабуллар якуни бўйича мутасадди раҳбарларга назоратга олинган ҳар бир мурожаатни ўз вақтида қонун доирасида кўриб чиқиш ва ҳал этиш юзасидан шахсий жавобгарлик юклатилди.

Адлия полковниги Баходир ХУДОЙБЕРДИЕВ, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг биринчи ўринбосари



Tanlov

КИТОБДЕК ХАЗИНА МУЛКИ МЕРОС ЙЎҚ

*Устозлар улғи закоти китоб,
Тафаккур оламин туғриси китоб,
Синовли дунёда унинг қўлини тут,
Ранжу риёзатнинг давоси китоб.
Усиз олам аро нурли манзил йўқ,
Беминнат суянчиқ, дўст беназир йўқ.*

Хаво ҳужумидан мудофаа кўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлигида «Энг яхши китобхон оила» кўрик-танловининг иккинчи босқичи бўлиб ўтди. **Онлайн тарзда ўтган беллашувда 5 нафар китобхон оила иштирок этди.**

ҳарбий оилалар. Танловда албатта ғолиблар бўлади. Аммо бу оилаларнинг ҳар бирига китобга бўлган ҳурмати, китобхонлик борасидаги фаоллиги учун тасанно дегим келади. Албатта, бундай беллашувларни ўтказишдан мақсад битта, яъни китобхонликни, китобни севишни тарғиб қилиш ва зиёга интилувчи китобхон оилаларни муносиб тақдирлаш.

Кўрик-танловда иштирок этган китобхон оилалар беллашувнинг учта шартиди ҳам китобнинг тенгсиз қудрати, яъни инсонга маънавий озуқа бериши, инсон ҳаётидаги ўрни, аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтишди. «Биз китобхон оиламиз» шартиди иштирокчилар Заҳириддин Мухаммад Бобурнинг «Бобурнома», Абдулла Қодирининг «Меҳробдан чаён», Саид Аҳмаднинг «Уфқ», Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар», қирғиз адиби Чингиз Айтматовнинг «Асрга татигулик кун», турк адиби Рашод Гултегиннинг «Чолиқуши» каби машҳур китобларига урғу бериб, уларнинг мазмун-моҳияти, инсонни тарбиялашга қодир устозлик ўғити, руҳий қуввати борасида фикр билдиришди.

Уларнинг ҳар бир чиқиши ҳайъат аъзолари томонидан одилона баҳолаб борилди. Беллашувда иштирок этган оилаларнинг барчасида китобхонлик борасида ўзига хос теран фикр ва қарашлар мужассам. Бироқ танлов албатта, ўз қаҳрамонларини кашф этади. Шунга кўра, биринчи ўринни капитан Анваржон Якуббаев

оиласи эгаллаб, республика босқичига йўлланма олди. Иккинчи ўрин кичик сержант Фирдавсий Жўраназаровлар оиласига насиб этди. Учинчи ўринга I даражали сержант Тўлқин Боқаевлар оиласи муносиб топилди.

Капитан Тоҳир Ўринбоев оиласи «Энг аҳил китобхон оила», катта лейтенант Абдузоҳир Ҳасановлар оиласи эса «Энг ёш китобхон оила» номинацияларига эгалик қилишди. Ғолиб ва иштирокчилар диплом ва пул мукофотлари билан тақдирланди.

БЕБАҲО ЖАВОҲИР

Ҳаво ҳужумидан мудофаа кўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлиги тасарруфидаги майор Алишер Эргашев хизмат қилаётган ҳарбий қисмда «Китоб ақл хазинасидир» мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Ҳарбий қисм кутубхонасида ўтказилган тадбирда Қуролли Кучлар хизматчилари ва ҳарбий хизматчи аёллар иштирок этди.



Баҳром АБДУРАҲИМОВ


баланд бўлиб келган. Шу сабаб кутубхоналарни бежиз жавоҳирлар маскани, дея таърифламаймиз. Тадбирда иштирок этган фалсафа фанлари доктори, профессор Жамила Шермухаммедова ўз суҳбатида китобнинг сеҳрли қудрати, улғу мақсадларга эришиш йўлидаги вафодор дўст эканига тўхталиб ўтди. Олима китобхонлик, аввало оилада шаклланиши, китобхон ота-онанинг фарзандлари китобсевар бўлишига урғу бериб, мисоллар келтирди.

– Тадбиримизда иштирок этган Жамила Тошпўлатовнанинг китобхонлик борасидаги қизиқарли маърузаси барчамизга кўтаринки кайфият бахш этди, – дейди қисм кутубхона мудираси Умида Юсупова. – Биз китобхонликка бағишланган бундай тадбирларни тез-тез ўтказиб туришга ҳаракат қиламиз. Шунингдек, китоблар захирасини ўқувчиларимизнинг талабига кўра доимо тўлдириб борамиз. Ҳарбий хизматчилар оиласини китобсиз тасаввур этиш қийин, албатта. Шу сабаб зиё масканимиз доимо ўқувчилар билан гавжум. Бугунги маънавий-маърифий тадбир эса иштирокчиларнинг китобга бўлган муҳаббати, ҳурматини янада зиёда этишига ишонаман.

Зулфия ЮНУСОВА



– Оилаларимиз китобхонлик беллашувига астойдил тайёргарлик кўрди, – дейди қўмондонликнинг хотин-қизлар ва ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўйича етакчи мутахассиси Дилбар Ҳусанова. – Уларнинг барчаси китобга меҳри баланд, зиёли



Китобга берилмак таърифлар беҳисоб: тафаккур маъғи, маърифат бешиги, бебаҳо хазина, илму урфон калити... Дарҳақиқат, бу беминнат устознинг ҳамиша қадр

БАХШИЧИЛИК САНЪАТИ

Иккинчи жаҳон уруши йилларида



Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон халқи фашизм устидан қозонилган ғалабага бутун куч-ғайратини сафарбар этган бир пайтда санъаткорларимиз ўзларининг муносиб ижоди билан халқимизни эртанги кунга илҳомлантирди. Айниқса, бахшилар халқ оғзаки ижодининг бебаҳо дурдонаси бўлган дostonлар, термалар ва айтишувлар билан ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшди.

Бахши – (мўғулча ва бурятча бахша, багша – устод, маърифатчи; санскритча бхикшу – қаландар, дарвеш) халқ дostonчиси. Қўшиқ ва дostonларни ёддан куйловчи, айтувчи, авлоддан-авлодга етказувчи санъаткор. Дostonчиларни юзбоши, соқи, санновчи, жиров деб атайдилар. Бахшилар, асосан, икки тоифага – ижрочи ва ижодкор бахшиларга бўлинади. Ижрочи бахшилар, асосан, устозидан ўрганган дostonларни жузъий ўзгаришлар билан айнан куйласалар, ижодкор бахшилар оғзаки эпик аъна асосида дostonнинг ўз вариантлари, ҳатто улар асосида янги дostonлар ҳам яратдилар. Бундай бахшилар шоир деб ҳам юритилади.

(«Ўзбекистон Миллий энциклопедияси»дан)

Янги йўналишдаги янгича қирралар

Ўзбек халқи қадимдан Ватан тақдири ҳал бўлаётган даврда, босқинчиларга қарши курашларда, умуман, оғир-синовли дамларда бахшиларнинг маънавий ижодидан куч-қувват олиб, жипслашиб, мардлик ва жасорат намуналарини кўрсатганлар. Худди шундай ҳолат Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳам намоён бўлиб, ўзбек бахшилари жанг майдонларида, фронт ортида, пахта далаларида, чорва хўжаликларида, завод-фабрикаларда, ҳарбий госпиталларда ўзларининг ижоди билан халқимизнинг ғалабага бўлган ишончини мустаҳкамлади.

Диёнатсизликдан, сотқинликдан, урушда хоинлик қилишдан, ватангадоликдан ва меҳнатдан қочиш каби иллатлардан сақланишдан огоҳ этиб, хушёрликка чорлади.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида аънавий дostonчилик халқимизнинг миллий озодлик кураши тарихи билан узвий тарзда оғзаки ижодни Ватанга садоқат руҳида ижтимоий тафаккур олами билан чамбарчас боғлаганлар.

Ўзбек миллий дostonчилиги ва бахшичилиги ўзининг ижодкорлиги ҳамда ижрочилик нуфузи билан Иккинчи жаҳон уруши йилларида душманга нафрати ҳамда мардлик, жасурлик намунаси билан бирга бошига оғир кулфат тушган бошқа тинчликсевар халқларга амалий ёрдам бериш каби

янги йўналишда янгича қирраларини намоён этди. Бахшилар она Ватанга ва халқимизга бўлган меҳр-муҳаббатини ўзларига хос актёрлик, мусиқачилик ҳамда ижрочилик қобилияти билан намоёиш этдилар. Иккинчи жаҳон уруши йилларида дostonчилик ва бахшичилик санъати намуналари Ўзбекистоннинг ҳар бир хонадонига кириб бориб, халқимизнинг ғалабага бўлган ишончини, ўзбек жангчиларининг фронтдаги жасоратларидан хабардор этувчи ижро санъати билан уйғунлашиб, жангчиларни ватанпарвар, инсонпарвар, мард ва жасур бўлиб етишига илҳомлантириш билан бирга халқимизнинг фронт ортидаги меҳнатларини мадҳ этувчи термаларни яратди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида ўзбек халқининг давжорак, қўрқмас, мард, ботирлари, паҳлавонлари, диёнатли, меҳнатсевар, фидойи, пири ҳикмат донишмандларини, ор-номусли, виждонли ҳамда ёрга содиқлик хислатларини қалбдан ўзига жо этган момоларини, она ва вафодор аёлларни, номус учун курашган гўзал-фаришта қизларига оид янги термалар яратилди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида дostonчилик санъатида муайян мазмунли тизимга эга назм ва насрдан ташкил топган катта ҳажмли асар, қаҳрамонлар силсиласи, воқеалар ҳалқаси узвийлиги ва ўзаро ҳамоҳанг боғланиши билан халқ ўртасида катта обрў-эътибор топди.

Сурхон дostonчилигида янги давр

Иккинчи жаҳон уруши йилларида дostonчилик ва бахшичилик санъатининг бешиги ҳисобланган Сурхон воҳаси ўзининг дostonчиликдаги маънавий маданияти билан уруш йилларида халқимиз ўртасида машҳур бўлиб, уларнинг ижоди туфайли миллий урф-одатларимиз, аъналаримиз, қаҳрамонлик, мардлик ва жасурлик намуналарининг янада мукамал ривож топишига имконият яратди. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида»ги қарорида шундай дейилади: «Ўзбек миллий бахшичилик ва дostonчилик санъатининг ноёб намуналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, уни кенг тарғиб қилиш, ёш авлод қалбида ушбу

санъат турига ҳурмат ва эътибор туйғуларини кучайтириш, турли халқлар ўртасидаги дўстлик ва биродарлик ришталарини мустаҳкамлаш, ижодий ҳамкорлик, маданий-маънавий муносабатлар доирасини халқаро миқёсда янада кенгайтириш мақсадида Сурхон воҳаси маънавий маданиятига юксак баҳо бериб, бу тупроқ азалдан илму ҳунар, ҳикмат ва санъат руҳи билан йўғрилган, Алпомишдек мард паҳлавонларни вояга етказганлигига воҳадаги ҳар бир фуқарони маънавий жиҳатдан руҳлантирди».

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Сурхон дostonчилик ва бахшичилик мактабининг асоси бўлган Шеробод Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларининг бир неча туманлари, Тожикистон ва Туркменистоннинг жанубий, қисман шимолий Афғонистон (ўзбеклар қўп яшайдиган) ҳудуд сарҳадларидан етишиб чиққан юзлаб бахшиларни бирлаштирган дostonчилик мактабидир. Уруш йилларида Шеробод дostonчилик мактабидан Қосимқўр бахши, Шерна Бекназар ўғли, Мардонақул Авлиёқул ўғли, Умир Сафар ўғли, Нормурод бахши, Аҳмад бахши, Нурали Боймат ўғли, Мамадрайим бахши, Юсуф Ўтаган ўғли, Эшқобил бахши, Бўрибой Аҳмедов, Қодир Раҳим ўғли каби ўнлаб дostonлар етишиб чиқди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида бу мактаб вакиллари «Олтин қовоқ», «Малла савдогар», «Зайидқул», «Оллоназар Олчинбек – Ойчинор», «Шерали», «Келиной» каби қатор дostonларни ижро этиб, халқимизга маънавий руҳ ва эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлаган. Шеробод бахшичилик мактаби дostonлари ўзининг соддалиги, мадҳининг ихчамлиги, матннинг осонлиги ва ифоданинг равлонлиги билан ажралиб турган.

Шотўра бахши

Уруш йилларида фаол ижод қилган Шеробод бахшичилик мактабининг йирик вакилларида бири бахши Шотўра юзбоши Бойқул ўғли (1887–1947)дир. Шотўра юзбоши Шеробод туманидаги Калламозор қишлоғида таваллуд топди. Отаси Бойқул шоирдан бахшичилик сирларини ўрганди. Бойқул бахши бир неча марта Бухоро амири Музаффархон ҳузурини дoston айтиб, бахшичилик мусиқасига соҳиб бўлди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Шотўра бахши ота изидан бориб, элу улусга танилади, халқнинг Ватан озодлиги ва мустақиллиги ҳамда ғалабага

бўлган ишонч руҳини оширишга хизмат қилди. Шотўра бахши «Алпомиш» ва «Гўрўғли» туркумига оид қирққа яқин дostonни юксак маҳорат билан куйлаган. Бундан ташқари, «Ёдгор», «Шодмонбек», «Савдогар» номли бошқа қатор дostonлар ҳам унинг ижод бисотидан ўрин олган.

Мардонақул бахши

Иккинчи жаҳон уруши йилларида ўзининг бетакрор овози, ўзига хос сози билан Шеробод бахшичилик мактабида унутилмас ўз қолдирган ва шу мактабининг янги ўзанини ярата олган бахшилардан бири Мардонақул бахши Авлиёқул ўғли (1889–1975) бетакрор ижоди билан алоҳида ажралиб турган. У Шерободдаги Озон қишлоғида таваллуд топди, икки ёшида онадан етим қолиб, тоғаси Шерна бахши қўлида тарбия олади. Мардонақул бахши Шерна бахшига ҳам жиан, ҳам фарзанд, ҳам куёв, ҳам шогирд бўлиб, унинг дostonчилик сирларини пухта ўрганди. Мардонақул бахши дostonчиликда ўз усулини ярата олган етук санъаткорлар сафида туради.

Мардонақул бахшининг дostonчиликдаги аъналарини деновлик бахшилардан Тошмурод Тўра ўғли (таваллуди 1897 йил), Эшмурод Шердон ўғли (таваллуди 1904 йил), ангорлик Раҳим бахши (таваллуди 1899 йил), Қиём бахши Чори ўғли (таваллуди 1907 йил), бойсунлик Улаш бахши Ғози ўғли (1892–1969), шерободлик Али Саид Ҳайитназар ўғли (1902–1953), тожикистонлик Бўри бахши Аҳмад ўғли (таваллуди 1914 йил) ва бошқалар юксак маҳорат билан давом эттирдилар. Аслида Шотўра юзбоши, Мардонақул бахши, Мамарайим бахши, Умир бахши, Бўри бахши ижоди билан алпомишгўйликнинг янги босқичи бошланганди. «Алпомиш» дostonи мавзусининг чинакам қирраларини намоёиш этиш ҳозирда Сурхон воҳаси бахшилари томонидан ўша қадим ва устувор аъна асосида давом эттирилмоқда.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, Иккинчи жаҳон уруши йилларида Сурхон воҳаси дostonчилик мактабларининг ўзига хос ўрни бўлиб, ушбу мактаб аънаси уруш йилларида фашизмга қарши олиб борилган курашда халқимизни маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаган ғоявий куч сифатида намоён бўла олди.

Зинур БОЗОРОВ,
«Шон-шараф» музейи
кичик илмий ходими

TARIX

ШАРҚНИНГ ХУКМДОР АЁЛЛАРИ

Москвадаги «Наука» нашри-
дорида турк олимаси, Анқара
дорилфунуни профессори Баҳрия
Учоқнинг «Ислом давлатларида
хукмдор аёллар» деган китоби рус
тилида нашр этилди. Таржима му-
аллифи қадимий тарих билимдони,
атоқли шарқшунос Зиё Бунёдовдир.

Баҳрия Учоқнинг «Ислом давлатларида хукмдор аёллар» китоби довюрак, мард, таланти ва доно аёллар ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади. Баҳрия Учоқ китоб муқаддимасида Ғарб ва Шарқ аёлларининг ижтимоий ҳаётдаги хизматини кўрсатиб, тарихдаги машҳур аёллар ҳаётидан далиллар келтиради. Сулаймон алайҳиссаломнинг севгилиси, Сабо маликаси Билқисни, Миср маликаси Клеопатрани, Пальмира маликаси Зайнаб – Зенобияни эслайди.

Зенобия 272 йилда Римга қарши жангларда асир тушади, лекин донолиги ва гўзаллиги билан римликларни забт этади. Китоб муаллифи VII аср – пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) замонидаги машҳур валий, кароматгўй, лашкарбоши аёл Сажжохни эслайди. Унинг ёзишича, Сажжох сохта пайғамбар Мусайлима билан шартнома тузиб, Муҳаммад алайҳиссалом қўшинларига қарши курашган ва енгилган.

Китобнинг дастлабки саҳифаларида Баҳрия Учоқ Эрон шоҳи Кирга қарши курашган массагетлар маликаси Тўмариснинг қаҳрамонлигини ёзади. Эроннинг каёний шоҳларидан Исфандиёрнинг ўғли Бахманёр ўзидан сўнг қизи Хумойни валиаҳд қилиб тайинланган. Малика Хумой 32 йил буюк Эрон давлатига шоҳлик қилган. Яна Эронда Хусрав II Парвезнинг қизи Пурандухт, сўнг унинг синглиси Озармидухт подшоҳлик қилган. Араб истилоқларига қарши курашда Туронзамин ҳимоячиларидан Сўғд шаҳзадаси Туғшоднинг онаси Туғшода жасорат кўрсатган. У Самарқанд, Бухоро, Омуд шаҳарлари йўлларини назорат қилиб, ўз пойтахти Пайкандни Саид ибн Усмон Ҳажжож ва Қутайба қўшинларидан мудрофаа қилган.

Наршахийнинг «Бухоро тарихи» китобида шу ҳақда бундай маълумот бор: «Муовия даврида Қутайба ибн Муслим томонидан Бухоро фатҳ қилинди ва Тағшода (Туғшод – М. М.) Қутайба ибн Муслим томонидан подшоҳ бўлиб, ўттиз икки йил хукмронлик қилди...» Наршахий яна бир ўринда бундай ёзади: «Бидун Бухорохудоёт ўлган вақтда ундан бир эмадиган ўғил бола қолди; унинг номи Тағшода (Туғшод) эди. Боланинг онаси бўлган хотин тахтга ўтирди ва ўн беш йил хукмронлик қилди. Унинг даврида араблар Бухорога кела бошладилар; ҳар гал келганларида (подшо) хотин улар билан сулҳ тузар ва мол берар эди. Айтишларича, унинг даврида ундан кўра донороқ биронта ҳам киши бўлмаган: у донолик билан хукмронлик қилар ва халқ итоатда эди...»

Назаримизда, Қутайба ибн Муслим тавсияси билан Бухорохудоётнинг ўғли тахтга лойиқ, деб топилганида, унга васийлик қилувчи (регент) онаси ўғли чақалоқ бўлса ҳам, подшо Туғшоднинг номи билан иш юритганлиги эътиборга лойиқдир. Бу ерда аввало, шаҳзодага олий ҳурмат ифодаланади, иккинчидан, подшо аёл адолат ва камтарлик юзасидан ўз номидан иш юритмаган, деб ўйлаш мумкин.

Баҳрия Учоқ ёзишича, Чигатой улусининг хоқони Қора Хулагуннинг умр йўлдоши Эргинахотин анча вақтгача давлатга раҳбарлик қилиб, ўз номидан танга зарб эттирган.

«Жоҳилия даврида, – деб ёзади Баҳрия Учоқ, – ҳуқуқсиз бўлган, эркакларнинг шахсий мулки ҳисобланган аёллар Қуръон ва ҳадислар вужудга келгач, кенг ҳуқуқ ва имкониятларга эга бўлдилар».

Муаллиф бу фикрини исботлаш учун VII–XIV асрларда ўтган буюк аллома аёлларнинг исмларини келтиради. Мударриса, муҳаддиса ва муаллима аёлларни эслайди. Баъзи ҳуқуқшунос олима аёллар мадрасаларда дарс беришган, халқ олдида ваъз ўқишган ва Ситтул-қузот, Ситтул-уламо, Ситтул-фуқоҳо (яъни қозилар, олимлар, фақиҳлар бекаси) деган унвонлар билан тақдирланган. Баҳрия Учоқ шулар орасида Муҳаммад (с.а.в.)нинг хотинлари Ойиша, машҳур олим Ибн Баттутага мадраса дипломини топширган Зайнаб бинт Камолиддин Аҳмад, Мисрда амир Сайфуддин Арғун ва бошқаларни ўқитган Умм Абдуллоҳ бинт Шамсиддинни кўрсатади.

Халифа ал-Муктадирнинг онаси ваколат берган аёл Сумайл сарой девонбегиси – вазири сифатида баҳсли масалаларни ҳал этган. Хоразмшоҳ Алоиддин Муҳаммаднинг онаси Турконхотин ҳам муҳим давлат ишларини ҳал этишда қатнашган.

Баҳрия Учоқ ёзишича, араб олими ал-Маварзийнинг «Ал-аҳком ас-султония» китоби мусулмонча давлат ҳуқуқи соҳасидаги асосий асарлардан биридир. Шу китобда давлат раҳбари бўлишнинг еттита шarti кўрсатилган. Давлат раҳбари бўй етган киши ва эркак бўлиши керак, деган яна иккита шартни қози ал-Байзавий «Таволе ул-анвор» («Нурлар тўлишиши») ва ал-Ғаззолий «Иҳя улумуд-дин» («Диний илмлар тирлишиши») асарларида қўшимча қилиб келтиришган. Шунга қарамай, Ғарбнинг буюк давлатлари Испания, Франция, Англиядаги сингари Шарқ давлатларида ҳам аёллар илм-фан, адабиёт, фикр соҳаларида, шунингдек, сиёсий арбоб сифатида, жамият ҳаётига раҳбарлик қилишган.

Нечундир Баҳрия Учоқ ўз китобида баъзан даврий изчилликка амал қилмайди. У XVI асрда яшаган Акбаршоҳнинг мураббийси Моҳим энага, Жаҳонгирнинг хотини Нур Маҳал ёнида Бобилдаги осма боғларни барпо этган Семирамида, Византия қироличаси Феодора, Франциянинг машҳур аёллари маркиза де Помпадур, мадам Дюбарри, Мария-Антуанетта исмларини келтиради. Бундан ташқари, олима Шекспирнинг «Антоний ва Клеопатра» трагедиясини эсламагани ҳолда, Бернард Шоунинг шу номли комедиясини тилга олган.



Баҳрия Учоқ китобидаги энг ноёб саҳифалар Дехли султони Шамсиддин Элутмиш ва унинг қизи Розия ҳамда Миср маликаси Шажарат ад-Дур ҳақидаги ҳикоялардир.

Дехли султони Қутбиддин Ойбек 1210 йилда, чавгон ўйини пайтида отдан йиқилиб ўлади. Тахтни унинг иродасиз ва ичкиликбоз ўғли Оромшоҳ эгаллайди. Аммо кўпчилик амирлар ва райат Оромшоҳни тахтдан ағдариб, Ойбекнинг куёви, лашкарбоши Шамсиддин Элутмишни султонликка кўтарадилар. Бу вақт Ғазна султонларидан Тожиддин Йилдиз Дехли султонига итоат билдириб, чопар юборади. Аммо Ойбекнинг бошқа бир куёви – Насриддин Қубача кўпгина вилоятларни эгаллаб, Элутмишга – Дехли султонлигига хавф сола бошлайди.

Хоразмшоҳ Аловуддин Муҳаммад эса бу вақтда Ғазнани эгаллайди. Ғазна султони Тожиддин Йилдиз у ердан қочиб, Ҳиндикуш тоғларини ошиб ўтиб, Насриддин Қубачадан уч вилоятини тортиб олади. Бу билан кифояланмай, вассаллик – тобелик қондасини бузиб, Дехлига ҳужум бошлайди. Дехли султони Элутмиш ҳарбий саркарда сифатида катта зафарларга эришган, ажралиб кетган вилоятларни қайта фатҳ этиб, йирик феодал давлат тузган.

1220 йиллар бошида Чингизхон қўшинларидан чекиниб, Ҳиндистонга келган Жалолиддин Мангуберди Дехли султонлиги асосида Хоразмийлар давлатини тиклашга уринди. Аммо Элутмиш Жалолиддинга гоҳ совға-саломлар юбориб, гоҳ очик жангга киришиб, Дехли мустақиллигини сақлаб қолади. Жалолиддин шундан сўнг Грузия ва Озарбайжонни эгаллайди. 1229 йилда Бағдод халифаси Мустансир (1226 – 1241) Элутмишни Ҳиндистон султони, деб эътироф этади ва унга «Ас-султон ал-муаззам Носир амирал-мўъминин» деган фахрий унвон беради.

Мард ва баҳодир, олимлар ва ҳунарманд усталарни қадрлайдиган Элутмиш 1232 йили ҳиндлардан илгари Ойбек тасарруфидаги Гвалдор вилоятини қайтариб олади ва у ерга машҳур муаррих ва фақиҳ, «Табақоти Носирий» китоби муаллифи Минҳожиддин Жузжонийни ҳам қози қилиб тайинлади.

Розия XIII асрда яшаб ўтган Дехли султони Элутмишнинг фарзандлари ичида энг салоҳиятлиси эди. Шунинг учун Шамсиддин Элутмиш кўзи очиклигида вазир ва амирларни тўплаб, қизи Розияни валиаҳд этажани билдирди. Вазир ва амирлар султон Элутмишнинг бу ишига ажабланиб, эътироз билдиришди. Аммо Элутмиш аҳдидан қайтмади ва амирларга:

– Ўғилларим маишатбозликка берилган, фақат ўз роҳат-фароғатларини ўйлайди, қизим Розия жасур жангчи, адо-



латпеша, халқпарвар, давлат ишларини донолик билан бошқара олади, – деди.

Элутмиш 1232 йилда Панжоб жангидан касал бўлиб қайтади ва кўп ўтмай вафот этади. Султон вафотидан сўнг унинг ўғиллари Рукниддин Ферузшоҳ ва Гиёсиддин Муҳаммадшоҳ ўртасида тахт учун кураш бошланади. Бу курашни шаҳзодаларнинг оналари қиздиришарди. Ниҳоят, Рукниддин Ферузшоҳнинг онаси Шоҳ Туркон марҳум эрининг бошқа хотинларига жабр-зулм қила бошлайди. У Элутмишнинг ўғли Қутбидинни ҳибсга олдириб, кўзини ўйдирди, сўнг қатл эттиради.

Баҳрия Учоқ ёзишича, Рукниддин Ферузшоҳ давлат ишларига лаёқатсиз, маишатпараст бўлгани учун узоқ хукмронлик қилолмади. Элутмишга содиқ бўлган вилоятлардаги қўшин бошлиқлари марҳумнинг оқила қизи Розия тарафдори эдилар. Дехлига кириб келган ана шу қўшинлар Розияга содиқликка қасам ичиб, уни султонлик тахтига кўтарадилар.

Розия султонлик тахтига ўтиргач, отаси Шамсиддин Элутмиш давридаги яхши анъаналарни тиклади, мамлакатда адолатли қонунлар ўрнатди. Фуқарога ғамхўрлик қилди. У «Розият ад-дунё ва д-дин» «Олам ва дин севгилисиси» ва «Билқиси Жаҳон» деб ном чиқарди.

Баҳрия Учоқ китобида, шунингдек, Европа салиббардорларига қарши Қуддуси шарифни озод қилиш учун курашган, Миср маликаси Шажарат ад-Дур, элхон Абакахон даврида ўтган Қутлуғ Турконхотин; форс қаҳрамони, Табриз султони Сатабека, Ҳиндистон хукмдорлари Қудсиябегим, Искандарбегим, Шоҳ Жаҳонбегим ва бошқа доно аёллар ҳаёти ҳақида ҳам қизиқарли ҳикоялар келтирган.

Баҳрия Учоқнинг «Хукмдор аёллар» китоби Шарқ тарихи, фалсафаси, ҳуқуқшунослиги, хусусан, Ўрта Осиё халқларининг қадимий тарихини ўрганишда бебаҳо манбалардан биридир. Ушбу нодир асарни таржима қилиб, китобхонларимизга тақдим этгани учун устоз Зиё Бунёдовга ташаккур билдирамиз.

Маҳкам МАҲМУДОВ
(«Фитна санъати»
китобидан олинди)

Халқимизда бир гап бор: боланинг Хқўллари бўш қўйманг, бирига нон беринг, иккинчисига китоб. Айти шу нақлни бугунги кунимиз билан мувофиқлаштирсак, ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишдек эзгу мақсадимизга ҳамоҳанг янграйди. Ёзувчи Назар Эшонқул билан бўлган суҳбатимиз китобнинг катталар ва болалар ҳаётидаги ўрни ҳақида кечди.

– Ернинг баъзи олис нуқталарида одамлар ибтидоий жамоа кўринишида яшашади. Улар тезда ёқлашиб, бир-бирига қасд қилишар экан. На муроа бор, на мадора. Сизнингча, уларнинг онгида нима етишмайди?

– Саволингизнинг тагида «Улар китоб ўқимаган» деган жавобнинг ўзи бўртиб турибди. Китобсиз халқ бу – маданиятсиз халқ, маданиятсиз элат, маданиятсиз қавм. Ҳаётларида китоб пайдо бўлмас экан, улар сиз айтган жаҳолат ботқоғига ботиб ётаверишади. Усиз миллат – жаҳолатга ғарқ бўлаётган миллат, жаҳолатга ғарқ бўлаётган халқ. Жамият қанчалик тараққий этган бўлмасин, кишилар китоб ўқимади қўйса, унинг таназзули бошланади. Агар динлар тарихига назар солсангиз, инсониятни жаҳолатдан, сиз айтган қавмлар каби яшашдан қутқариш учун китоблар тушган. Бошқа нарса эмас, айнан китоб тушган. Бу ерда рамз, ишора, тимсол бор. Инсонни фақат китоб ва унга асосланган маънавият қутқариши азалдан унинг пешонасига ёзиб қўйилган. Фақат китоб одамзодни биологик жонивордан идрокли мавжудотга айлантира олди. Унинг тимсолидаги маданият инсониятнинг бутун тараққиёт сарҳадларини ёритиб турибди. Аслида китобсиз маданиятнинг, маданий онгнинг ўзи йўқ. Китоб тушунаётганимизни тўғридан-тўғри босма китоб деб тушунмаслик керак. У мен учун инсонни илоҳ билан боғлаб, унга олий ҳақиқатга борадиган йўлни кўрсатиб туривчи барча нарса. Ҳатто халқ оғзаки ижоди ҳам аслида китоб. Фақат шакли оғзаки. Бу оғзаки китоб минглаб йиллар инсоният учун биз бугун назарда тутаятган китоб вазифасини ўтаган ва уни маданият, онг, тараққиёт сари етаклаб келган. Ёзма шакли пайдо бўлгач эса инсон жаҳолат устидан ғалаба қилиши аниқ бўлиб қолди: бошқача айтганда, инсонга жаҳолат устидан зафар қозониш қуроли берилди. Фақат у бу қурол кучидан тўла фойдаланяптими, йўқми, бу бошқа масала. Муҳими, инсонда жаҳолатдан, ёвузлик, худбинлик, зулм, маҳдудлик, бадбинлик, онг зулматидан қутулиш қуроли бор. Бу – китоб. Афсуски, бу қуролдан бугун ҳар ким ҳар хил мақсадда фойдаланяпти.

Тасаввур қилинг, инсон тафаккурдан китобнинг улуши тортиб олинса, у нималар ҳақида ўйлаши, сўзлаши мумкин? Шундай ҳол рўй берса, одамлар бугун ҳам ўша ибтидоий даврда яшаб юрган ҳайвондан жуда кам фарқ қилган, табиийки, ўй-фикри, кечинмалари, майли, эҳтиёжи, гап-сўзлари ҳам шунга яраша бўларди. Китоб илоҳдан куч олишга ўргатади, руҳни тарбиялайди, одамни ўз

жисмидан узиб, осмонга, коинотга яқинлаштиради. Унинг тафаккурига, идрокига қанот ва қувват беради. Китоб нури ёритмаган онг эса фақат жисм, фақат қорин ҳақида ўйлайди. Китобсизлик – ёввойилик, ёввойилик билан ёнма-ён, бирга яшашдир.

– Кекса авлод: «Компьютерлар бўлмаса эди, яна одамлар китобга қайтарди», дейишади. Бугуннинг одами эса: «Нималар деяпсиз, компьютер бутун коинотни бошқаряптику», дейди.

– Бу баҳс эмас, шунчаки бир-бирини тушунмаслик ёки бир-бирини тушунишдан қочиш. Ҳар икки тарафнинг ҳам ўз асослари бор. Бироқ гап шундаки, компьютер китобни сиқиб чиқаргани йўқ, китоб ўқишни енгиллаштирди, китоб ўқишга, китобни англашга имкониятни кенгайтди. Бугунги оддий бир планшет мен учун бутун бошли кутубхона. Унга жо бўлган китоб илгари катта бир бинога жо бўларди. Гап компьютерда эмас, гап эҳтиёжда. Компьютер кўпайгани, янада такомиллашаётгани эмас, китобга эҳтиёж йўқолаётгани хавотирли. Компьютер – инсон қўлидаги восита. Ундан ҳар ким ҳар хил фойдаланади. Ошхонадаги пичоқдан кимдир ошхона учун, бошқа бир кимса қабиҳлик йўлида фойдаланиши мумкин. Айб компьютерда эмас, ўзимизда.

– Ушбу замонда икки авлод вакилларининг қарашлари тўқнаш турибди. Иккисининг ҳам ўз таржимаи ҳоли бор. Шу кунгача етишган файласуфнинг ҳам, олимнинг ҳам кундалигини варақланг: барини китоб катта қилган. Бугунги авлодни эса компьютерлар улғайтиряпти.

– Мен ёшларнинг биз кўниккан шаклдаги босма китобни ўқимаётганини ҳадеб юзига солиш, шундан катта фожиа излашга унчалик қўшилмайман. Компьютер ҳам аслида китоб. Босма шаклдаги ҳам, компьютер шаклида ҳам китобнинг ёвузликка ўргатадигани, йўлдан оздирадигани, инсонни шафқатсиз қиладигани бор. Бунга тарих кўп бора гувоҳ бўлган. Лекин ота-боболаримиз китобни муқаддас билишган ва авлодларга инсоннинг руҳини, қалбини тарбияладиган, эзгуликка бошлайдиган китобларни ўқишни васият қилишган, шундай китоблар мўтолааси инсонни камолотга етиштиради деб билишган. Компьютерда шафқатсиз ўйинни кўраётган, шу ўйин руҳида тарбияланаётган бола айбдорми ёки шундай ўйинларни мамлакатимизга болаларимиз ўйнасин, деб олиб кираётган, шундан моддий манфаатдор бўлган, шу манфаатдорлиги орқасида бутун бошли миллатнинг, халқнинг ўзлигини,

ҚУЁШГА ҚАРАБ ЯШАШ САОДАТИ

келажагини, маънавиятини хатарга рўбарў қилаётганларми? Пул, тижорат учун қон тўкиш, шафқатсизлик, ёвузлик тарғиботига «бел боғлаган», шундай кўникмалар пайдо қиладиган ўйинларни олиб кираётган «тадбиркор»ларнинг қирғинга ундовчи китобларни тарғиб қиладиганлардан қанчалик фарқи бор? Бугун Интернет клубларга қаранг, улар қайсидир маънода бугуннинг кутубхоналари. Замон шундай. Улар визуал кутубхоналар, аслида. Бугуннинг боласи дунёни ҳарфлар орқали эмас, визуал тасвирлар, манзаралар орқали англашга кўпроқ эҳтиёж сезаётган бўлса, бундан фожиа яшаш унчалик тўғри эмас. Аксинча, биз, болалар келажаги учун масъуллар унга шу шаклдаги «китоблар»ни тақдим этишимиз керак. Лекин у сизу бизни тарбия қилган китобларнинг визуал шакли бўлсин. Мен учун гап шаклда эмас, гап мазмунда, ғояда. Китоб болада эзгулик билан ёвузлик, яхши билан ёмон, оқ билан қора, мардлик билан номардлик, адолат билан хиёнат чегараларини кўрсатиб, унинг дидини, кўникмасини, руҳини тарбиялайди. Нима, бугун шундай руҳда тарбияладиган компьютер асарлари йўқми? Бор. Болаларимиз ана шундай «асарлар»ни ўқиб, ўзларининг дидларини, тушунчаларини шакллантираётган бўлса, мен барибир хурсанд бўламан. Бундай боладан ёмон бола, ёмон одам чиқмайди. Унинг диди ҳам босма китоб ўқигандан кам шаклланмайди. Фақат улар нимани ўқишяпти, нима кўришяпти, нимадан тарбия олишяпти? Уларнинг қўлига босма шаклдами, визуал шаклдами, ёмон китоб тушиб қолмади?! Шундай китоб тушиб қолмаслигига ким масъул?! Гап мана шунда.

– Адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов бир суҳбатида болалигини шундай хотирлайди: «5-6 ёшларимда чўмилишни яхши кўрар эдим-у, сузишни билмас эдим. Бир куни болалар қийқиришиб чўмилиб юрган анҳорни кўрдим-у, юғра келиб ўзимни сувга отдим. Анҳор чуқур экан. Табиийки, чўка бошладим. Катта болалар бир амаллаб қирғоққа олиб чиқиб қўйишган. Менинг китоблар оламига кириб келишим ҳам шунга ўхшаш тарзда содир бўлган. Ҳали ўқишни ўрганиб-ўрганмас, ўзимни китоблар уммонига отганман. Бу уммон ҳам чуқур экан, лекин буни қарангки, бу уммонда чўкмай ҳануз сузиб юрибман».

Бундай дилбар ўтмишни бугуннинг авлоди ҳам яшай олармикан?

– Юқорида айтдим, бугунги авлодни айбашдан қочаман. Эртага унинг ҳам дилбар хотиралари бўлишига ишончим комил. Биз ўз қаричимиз билан уларнинг дунёсини ўлчамайлик. Бугун олам ўзгарган.

Бугун ахборот олиш, ҳис қилиш, завқ олиш даражаси, шакли ўзгарди. Мен эртақлар ўқиб, тарбия олганман, дидим, руҳим шунга яраша шаклланган. Яқинда компьютер орқали дунёни кўрадиган ўн икки яшар ва тўққиз яшар жиянларим билан савол-жавоб қилдим. Уларнинг қарашлари менинг шу ёшдаги қарашларимдан кўра анча кенг, анча чуқур. Эзгулик ҳақидаги тушунчаларига ҳам



путур етмаган. Фақат тасаввур шакли ўзгарган. Уларнинг бу борада ўз қарашлари, ўзига хос қабул қилиш усуллари бор. Фақат улар бизга қараганда жуда реалист. Босма ёки бугунги визуал «китоблар»ни ўқийдими, гап бунда эмас, гап ҳар икки ҳолатда ҳам қалбни, кўнгилни, инсонни, унинг ўзлигини сақлаб қолиш ва шунинг учун курашга ҳозирланишида. Агар визуал кутубхоналар ҳам шундай тарбияласа, компьютерлардан қўрқишга асос йўқ.

– Қизиқ, умрида китоб ўқимаган икки киши учрашиб қолса, нима ҳақида суҳбатлашар экан-а? Дов-дарахтлар, ҳайвонот олами, дунёнинг яралиши ҳақидами? Йўқ, булар ҳам илм-ку, дейман. Бўлмаса нима ҳақида?

– Суҳбатимиз рамзий маънодаги китоб тушунчаси ҳақида боряпти. Бу фикрни саводи йўқ, яъни ҳарф танимайдиганлар билан чалқаштирмаслик керак. Китоб яралгандан сўнг ҳам, ҳозир ҳам миллионлаб одамлар саводсиз, ўқиш-ўқишдан бебаҳра яшашган, яшашяпти, бироқ улар сиз билан биз гаплашаётган китобдан холи одамлар эмас. Улар китоб яратган маданият, ахлоқ, тушунча, қарашлар асосида тарбия олишган, олишмоқда.

Китоб деган тушунча бу рамзий тушунча. «Китоб» деганда одамнинг қалби ва руҳини поклайдиган, унга қанот берадиган, уни оламли уйғунликда тарбияладиган, инсонни, оламни севишга ўргатадиган, чорлайдиган, даъват қиладиган, инсонни шафқатга, ҳалолликка, мардликка, адолатга, меҳрга, мурувватга, эзгуликка ундайдиган барча нарсалар тушунилади. Мен тоғли қишлоқда туғилганман. Тоғда болалиги уруш йилларига тўғри келган, шу сабабли ўқий олмаган жуда кўп қариялар бор, уларнинг саводлари ҳаминқадар эди. Аммо уларнинг этиқоди, қа-

рашлари, тушунчалари китоб ўқиган одамлардан ҳеч қандай кам эмасди: уларга ҳалигача ҳавас қиламан. Улар менинг назаримда, туғма китобга, туғма маданиятга, туғма камолотга ўхшашади. Чунки улар китоб яратган анъаналар, қадриятлар, маданият ва ахлоқ асосида тарбия топишган. Уларнинг бир-бири билан мулоқотини эшитсангиз, фақат завқ оласиз, уларнинг ўзлари биз ўқиймиз, ўрганишимиз керак бўлган бутун бошли китобга ўхшайди. Уларнинг кўнглига жаҳолат уя қуролмаган, уларнинг меҳру оқибатлари, кўнгиллари, ҳаётга, инсонга қарашлари олдида жаҳолат ҳам уялган. Китоб ўқиганнинг ҳам, ўқимаганнинг ҳам кўнглига жаҳолат уя қурса, бу жуда ёмон, бу хатарли. Фарқ шундаки, китоб ўқимаганнинг, ҳеч қурса, китоб яратган маданиятни, ахлоқни, анъаналарни, фазилатларни ўзиники қилмаганнинг қалби бўш идиш бўлади, уни жаҳолат бирдан тўлдирди.

– Китоб ўқиб ўтирган одам қиёфаси. Хоҳ уни кузатинг, хоҳ суратдан томоша қилинг, барибир завқингиз ортади. Чин ҳаловатни кўрасиз.

– Тўғри. Менда Герман Гессенинг катта китоб жавони олдида китобларга ҳавас билан қараб турган сурати бор. Баъзида шу суратга негадир узоқ тикилиб қоламан. Менга нимадир гапираётгандек бўлади. Китоб ўқиётган одам ўзини ва ўзгаларни халос қилишни, поклашни ўйлаётган, шунинг йўлини излаётган одам. Унга ҳавас қилса, уни томоша қилса, унинг изидан эргашса бўлади. Китоб изидан эргашганнинг йўли ҳам барибир ойдан бўлади. Чунки китоб зулматга қараб эмас, қуёшга қараб яшашни ўргатади.

Лейтенант Бобур ЭЛМУРОДОВ суҳбатлашди.

JAMOATCHILIK KENGASHIDA

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Мамлакатимиз мустақиллиги – халқимизнинг энг катта бойлиги. Бу улуғ неъматнинг барқарорлиги ва бардавомлиги юртимизда яшаётган ҳар бир инсоннинг фаоллиги ва фидойилигига боғлиқ. Бу борада Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши ҳам самарали фаолият кўрсатмоқдаки, шу орқали халқимиз ва миллий армиямиз ўртасидаги узвий бирликни, ҳамфикрлик ва яқдилликни мустаҳкамламоқда, мамлакатимизда мудофаа ва хавфсизлик масалаларида олиб борилаётган давлат сиёсатини янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.



Жамоатчилик кенгашининг zoom платформаси орқали ўтказилган навбатдаги йиғилишида ҳам айнан кенгаш томонидан ўтган ярим йил давомида шу йўналишда

амалга оширилган ишлар таҳлил қилинди. Унда барча ҳарбий округ қўмондонлари ҳамда гарнизон бошлиқларининг тарбиявий ва мафкуравий ишлари бўйича



ўринбосарлари, мудофаа ишлари бошқармаси бошлиқлари, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг минтақавий бўлинмалари раислари ва етакчи мутахассислари иштирок этди.

Йиғилишда ютуқлар эътироф этилди, кенгаш фаолиятини янада ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар берилди ҳамда Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг минтақавий бўлинмалари фаолияти танқидий таҳлил қилинди. Шу билан бирга давлатимиз мустақил-

лигининг 30 йиллигига бағишланган маънавий-маърифий тадбирларни кўтаринки руҳда ўтказишга муносиб тайёргарлик кўриш бўйича ҳам режалар ишлаб чиқилди.

Йиғилиш якунида Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши раиси С. Турдиев сўзга чиқиб, кенгашнинг минтақавий бўлинмалари аъзоларига келгусида амалга оширилиши зарур бўлган бир қатор вазифаларни белгилаб берди.

**Подполковник
Даврон АБДУРАҲИМОВ**

Islohotlar amalda

ҲАРБИЙ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ

янги шарт-шароитларда қандай ташкил этилмоқда?

Куролли Кучлар тизимида жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, мамлакатимиз аҳолисини терроризм, жиноятчилик ва бошқа ноқонуний хатти-ҳаракатлардан ҳимоя қилишга қодир бўлган махсус ҳарбий тузилма – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ташкил этилгани мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида тарихий воқеа бўлди. Давлатнинг ички хавфсизлигини таъминлаш кўплаб хавфсизлик тузилмаларининг устувор вазифасидир. Миллий гвардиянинг асосий мақсади хавфсизликни, фуқароларнинг эркинликлари ва ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган.

Миллий гвардия, ички ишлар органлари ва жамоат ташкилотларининг тартибни сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги қўшма фаолияти мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи сифатида талаб ва ишончликни исботлаб келмоқда. Ислохотларнинг изчил давоми сифатида Ўзбекистон Президентининг 2021 йил 15 апрелдаги «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида профессионал кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ,

Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети этиб қайта ташкил этилиши ҳамда ушбу тизимга кадрлар тайёрлаб бериш куннинг долзарб масаласига айланди.

Халқ осойишталигини сақлаш, тинч аҳолининг фаровон турмуш кечиришини таъминлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши кураш олиб бориш борасида бугунги замон олдимизга бир қатор талабларини қўймоқда. Шундан келиб чиқиб, Миллий гвардия тасарруфидаги таркибий бўлин-

малар ҳарбий хизматчилари ўз мажбуриятларини сидқидилдан олиб боришмоқда. Мутахассис кадрларни тайёрлаш мақсадида университетда нафақат Миллий гвардия таркибий бўлинмаларига, қолаверса, Мудофаа ва Ички ишлар вазирликлари, бошқа турдош куч тузилмаларига ҳам етуқ, малакали мутахассис офицер кадрлар тайёрланади.

Ҳарбий кадрларимизда ғоявий тобланганлик, сиёсий етуқлик, юксак касбий маҳоратга эга фазилатларни шакллантириш мақсадида университет профессор-ўқитувчилари томонидан кенг кўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Барча зарурий шарт-шароитлар яратилган, жумладан, замонавий жиҳозланган аудиториялар ва махсус жиҳозланган ўқув синфлари, халқаро стандартларга жавоб берадиган ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий қилинган.

Назарий машғулотларни амалий дарслар билан уйғунлаштириш мақсадида криминалистика ва имитацион-ўқув полигонлари барпо этилган. Компьютер-тренажёрларда тактик ўқувларни ўтказиш имкониятини берадиган замонавий

ситуацион марказ ташкил этилган. Кенг ва шинам ётоқхона, 1 200 кишилиқ ошхона, спорт майдонлари, чавандозлик машғулотларини ўтказиш учун мўлжалланган ўқув объектлари барпо қилинган. Кутубхонада ўн мингдан зиёд бадиий ва ўқув адабиёти жамланмаси, мингдан ортиқ электрон ўқув дарслиги захираси тўпланган.

Ана шундай имкониятларга эга университетда махсус вазифаларни бажариш қўшинларининг қўмондонлик тактик фаолияти; иқтисодий хавфсизлик; хизмат фаолиятини тарбиявий-психологик таъминлаш; аниқлаш ва қўриқлаш тизимларидан фойдаланиш бўйича қўмондонлик-муҳандислик фаолияти; хавфсизликни ҳуқуқий таъминлаш; халқаро ҳарбий ҳамкорликни ҳуқуқий таъминлаш; қўриқлаш бўлинмаларининг қўмондонлик тактик фаолияти; йўл-патруль хизматининг қўмондонлик тактик фаолияти; патруль-пост хизматининг қўмондонлик тактик фаолияти; паспорт тизимини ҳуқуқий таъминлаш каби йўналишларда мутахассис кадрларни тайёрлаш кўзда тутилган.

**Полковник
Жаҳонгир БОЙБУТАЕВ,
Ахборот-таҳлилий фаолият
кафедраси бошлиғи,
доцент**

YANGI O'ZBEKISTONDA ERKIN VA FAROVON YASHAYLIK!

МУСТАҚИЛ ЮРТ ФАРЗАНДЛАРИ

Бугун юртимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида кўплаб қонун, қарор, фармон ва фармойишлар қабул қилинмоқда. Ушбу ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ижросини таъминлаш бўйича тегишли масъул раҳбарлар ҳамда мутасадди ташкилотлар томонидан самарали ишлар олиб борилди.

Ўзбекистон ёшларига ҳар томонлама эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш мамлакатимизда олиб борилаётган давлат сиёсатининг энг муҳим ва устувор йўналишига айланмоқда. Жисмоний ва маънавий баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишдек умуммиллий мақсадни амалга ошириш учун давлатимиз ва жамиятимизнинг барча куч ва имкониятлари сафарбар этилмоқда.

Бу жараёнда ўз тақдири ва келажagini Ватанимиз

тақдири ва истиқболи билан узвий боғлиқ ҳолда кўради-ган, шу йўлда ҳар қандай синов ва машаққатларни енгиб ўтишга, жасорат ва матонат кўрсатишга тайёр бўлган, замонавий билим ва касб-ҳунарларни чуқур эгаллаган ўғил-қизларимиз сафи тобора кенгайиб бораётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Сўнгги йилларда иқтидорли ёшларга кенг имкониятлар яратилди. Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлган йигит-қизларга имтиёзли кредитлар ажратилди. Ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун ипотека кредитлари асосида уй-жой олишлари кўмаклашилди. Халқаро фан олимпиадалари ва спорт мусобақаларида ғолибликни қўлга киритиб, юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган ёшларга давлатимизнинг юксак ордени ва медаллари, Президент совғалари топширилди.

Яқиндагина Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида асосан, Ёшлар куни муносабати билан ўзининг ижодий ва интеллектуал салоҳияти, танлаган касб йўналиши ва ижтимоий ҳаётда эришган муҳим натижалари билан турли соҳаларда юртимиз раҳнақига, унинг халқаро обрў-эътиборини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшаётган, тенгдошларига ўрнак ва намуна бўлиб келаётган фаол ва етакчи, ташаббускор ёш авлод вакиллари билан бир гуруҳи давлат мукофотлари сазовор бўлишди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июндаги қарорига кўра, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда фаоллик кўрсатиб, ўзининг билим ва иқтидори, интилувчанлиги ва ташаббускорлиги, ҳалол ва самарали меҳнати билан Ватанимиз тараққиётини юксалтириш,

янги Ўзбекистонни барпо этиш ҳамда унинг халқаро нуфузини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган, юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва юқори салоҳиятга эга, халқ манфаати ва юрт истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган фидойи ва мард ўғлонларимиздан 29 нафари «Мард ўғлон» давлат мукофоти билан тақдирланди.

Ушбу мукофотга муносиб деб топилганлар орасида Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси Хайрулло Олимов (Андижон вилояти) ҳамда Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртининг 4-босқич курсанти Бобур Абдурашидов сингари мард йигитларимизнинг борлигини фахрланамиз.

Президентимиз ва ҳукуматимизнинг бундай эътибор ва

ғамхўрликларидан руҳланган ёшларимиз келгусида янада шижоат ва ғайрат билан Ватанимиз раҳнақига ўз ҳиссаларини қўшишда давом этадилар.

Шундай экан, ҳар бир соҳада ютуқларга эришиш учун замон билан ҳамнафас бўлиш, билим ва кўникмаларни мунтазам ошириб бориш ва тажрибада қўллашни даврнинг ўзи тақозо этиб турибди. Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларга фуқароларимизнинг дахлдорлик туйғуларини янада ошириш ҳамда Ўзбекистон тараққиётини мустаҳкамлашга ҳисса қўшадиган, юксак фуқаролик позициясига эга бўлган ёшларни тарбиялаш ишларини кучайтиришимиз лозим.

**Подполковник
О. МАМАДАЛИЕВ,
Мудофаа вазирлиги
Тарбиявий ва мафкуравий
ишлар бош қармаси
бўлим бошлиғи**

Yoshlar – hal qiluvchi kuch

Ijtimoiy himoya

КЕЛАЖАГИМИЗ ВОРИСЛАРИ ИЛК ҲАРБИЙ КЎНИКМАГА ЭГА БЎЛДИ

Республикаимизнинг олис ҳудудларидан бири бўлган Навоий вилоятининг Зарафшон ва Учқудуқ шаҳарларида жойлашган Мудофаа вазирлиги Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонлигига қарашли ҳарбий қисмларда «Мард аскар – ёшларга намуна» шиори остида ватанпарварлик тадбири бўлиб ўтди.



Унда туманнинг Мустақиллик, Айтим, Йўлчилар, Алтинтав, Навоий маҳалласи ва ҳарбий қисмга бириктирилган бешта овулда истиқомат қилувчи 150 нафардан ортик банд бўлмаган ёшлар қамраб олинди.

Тадбир давомида ёшлар учун ҳарбий техника ва қурол-аслаҳалар намойиши, «Ҳарбийлар ва ёшлар учрашуви» ташкил этилди. Унда тажрибали офицерлар томонидан миллий армиямиз куч-қудрати ва ҳарбий хизматчиларга яратилаётган шароитлар тўғрисида маълумот берилди.

Куннинг иккинчи ярмида ҳарбий қисм дала ўқ отиш майдонида амалий

машғулотлар ташкиллаштирилиб, пневматик қуролдан амалий ўқ отиш машқлари, жанговар вазиятларда шахсий таркибни ўқ-дори ва керакли бошқа анжомлар билан таъминлаб беришни ўзида мужассам этган симтўсиқлар йўлагидан ўтиш бўйича машқлар намойиш этилди.

Кун давомида республика ва қўмондонлик миқёсида ўтказилган танлов ва беллашувларда ғолибликни қўлга киритган илғор ҳарбий хизматчилар ёшларга ҳамроҳлик қилди. Бу, албатта, ёшларда Ватан ҳимоячиси бўлиш ниятини мустаҳкамлайди.

Яқинда амалий машғулотларда фаол қатнашган ёшлар қисм командирининг ташаккурномаси ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ёшларнинг ҳарбий қисмга ташири-фи шаҳар марказида жойлашган «Қизилқум саҳроси маъданлари» музейига уюштирилган экскурсия билан якун топди.

* * *



Бугун ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни ҳарбий ҳаёт билан яқиндан таништириш мақсадида очиқ эшиклар куни тадбирларини ўтказиш яхши анъанага айланди.

Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонлигига қарашли Бухоро вилояти Қорақўл туманидаги ҳарбий қисмда 200 га яқин банд бўлмаган ёшлар тақлиф қилиниб, «Ҳарбий қисмда бир кун» мавзусида очиқ эшиклар куни ташкил этилди.

Ёшлар ҳарбий қисмдаги илғор мутахассислар томонидан соҳанинг сир-асрорлари билан таништирилди. Улар дастлаб саф майдони билан танишиб, саф усуллари билан иборат машғулотни томоша қилди. Шундан сўнг қисм автосаройида бўлиб, у ердаги замонавий ҳарбий техника ва қурол-аслаҳалар билан яқиндан танишди.

Махсус тактик майдончадаги жанговар тайёргарлик машқлари, ўқув вивосидаги ҳарбий хизматчилар ҳамда тумандаги ўқувчи-ёшлар учун яратилган ўқув ва компьютер саводхонлиги синфлари ёшларда катта таассурот қолдирди.

Айниқса, буюк соҳибқирон Амир Темур ва Турон қоплони Жалолиддин Мангуберди хоналарига саёҳат давомида ёшлар ўзларини катта тарихий музейга тушиб қолгандек ҳис этди.

Шу куни «Командир ва ёшлар» учрашуви ҳам бўлиб ўтди. Тадбир давомида бугунги кунда Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, малакали ҳарбий кадрларни тайёрлаш борасида фаолият олиб бораётган олий ҳарбий таълим муассасалари ҳусусида маълумотлар берилди.

**Тоифаланган объектларни
қўриқлаш қўшинлари
қўмондонлиги
матбуот хизмати**

Мамлакатимизда сўнгги йилларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилишга, уларни барқарор ва қўшимча даромад манбаига эга бўлишига, хотин-қизларнинг тадбиркорлик ташаббуслари амалга оширилишига, шу асосда аҳолининг бандлиги таъминланишига замин яратилмоқда.

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июнда «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастурини амалга ошириш тўғрисида»ги қарори қабул қилиниб, ушбу қарорнинг 2-бандида тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган аҳолини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёзли кредитлар ажратиш ҳамда мутасадди идоралар томонидан тизимли амалий ёрдам кўрсатилишини таъминлаш дастурининг асосий йўналишлари этиб белгиланган.

Чирчиқ ҳарбий прокуратураси томонидан ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида Чирчиқ гарнизонида жойлашган ҳарбий қисмларнинг бирида ҳарбий хизматни ўтаб келаётган ҳарбий хизматчининг иш билан банд бўлмаган, тикувчилик билан шуғулланиш истагини билдирган турмуш ўртоғига АТ «Халқ банки»дан имтиёзли кредит асосида 4 донга тикув машинасининг олинишига амалий ёрдам кўрсатилди.

**Адлия подполковниги
Акбар БОБОЕВ,
Чирчиқ ҳарбий прокурори**

TURMUSH CHORRAHASI

НАФС ҚУЛИ

Ёхуд бурчга хиёнат

(Вокетий хикоя)



Ривоят қилишларича, ниҳоятда хушсурат савдогар йигит савдо қарвони билан қароқчилар қўлига тушибди. Не ажабки, қароқчилар бошлиғи аёл киши бўлиб, талаган қарвонидан бирорта жонни тирик қолдирмас экан. Бироқ у йигитнинг кўркамлигини кўриб, ошиқ бўлиб қолибди ва унинг жонини асраш эвазига ишқий муносабат таклиф этибди. Аммо зино йўлини гуноҳ деб билган покдомон йигит аёл билан бирга бўлгандан кўра, ўлимни афзал билибди. Муроди ҳосил бўлмаган аёл ниятига етиш мақсадида савдогарга шарт қўйибди:

– Мақсадимга қарши чиққан бўлсанг-да, яшаб қолишинг учун яна бир имконият бермоқчиман, – айёрона режасини ишга солибди у. – Сенга учта шартим бор. Мана шулардан қайси бирини бажарсанг ҳам барча бойлигингни қайтариш билан бирга жонингни омонда асрайман. Биринчи шартим аввал айтганимдек, менинг кўнглимни оласан. Иккинчиси, қарвонингда тирик қолган гўдакни ўз қўлларинг билан ўлдирасан. Учинчиси, эса кўзадаги мана шу майни ичасан. Шунда йигит:

– Сен билан кўнглимнинг қилиб ёки боланинг қотили бўлиб, оғир гуноҳга ботгандан кўра, майни сипқорганим бўлсин, – деб учинчи шартни танлабди ва кўзадаги майни ичибди. Шайтоний ичимлик уни бир зумда сархуш этиб, ақлу хушидан айирибди, ўзига тобе этибди. Онгу шуурини йўқотган йигит ўз-ўзидан аёлнинг биринчи ва иккинчи шартларини ҳам адо этиб, кечирилмас гуноҳга ботибди.

Сархушлик сабаб қотиб ухлаб ётган Наримон телефоннинг устма-уст жиринглашидан уйғониб кетди. Вужуди тош осиб қўйгандек оғир, боши қарахт йигит жон ҳолатда соатга қаради. Соат 9:30. «Хизматга...! хизматга кеч қолибман-ку! Қўнғироқ қисм навбатчилигидан экани аниқ». Пала-партиш ҳаракатлар билан ўрнидан кўзгалди у. Шу аснода уйига қачон кириб келганини эслашга ҳаракат қилди. Ёдида, хизматдан сўнг уйига қайтаётганда ҳар доимги улфатлари олдидан чиқди. «Шу қасофатни қайта оғзимга олмайман», деб ўзига ваъда берган йигит нафси олдидан яна ожиз қолди. Тамадди-хонага кириб ўтиришди, шайтон сувидан ичишди. У ёғи... у ёғи эсида йўқ. Ҳар қалай кўчадаги пана-пасткамда эмас, уйда кўзини очди.

Юз-қўлини ювмоқчи бўлган йигит кўзгуда ўз аксини кўриб қўрқиб кетди. Юзи шишинқирган, сочлари тўзиган, димиққан қовоқлари остидан нурсиз боқиб турган кўзлари маъносиз ва совуқ. Энг ёмони, эғнида ёғимланган ҳарбий либос. Шунда хотини Гулҳаё билан бўлиб ўтган бундан бир йил аввалги тортишув, тўғрироғи, якуни кўнглисиз тугаган жанжали ёдига тушди.

– Борган сари ароқни деб ўзлигингни йўқотасиз. Шу кетиш бўлса, меҳр қўйган касбингиздан айрилишингиз ҳеч гап эмас. Бу оиламиз тугул, етти авлодга иснод эканини ўйлаб кўрдингизми? Мени ўйламангиз ҳам қизларингизни, онамни ўйланг. Кексайган чоғларида сизни деб...

– Овозингни ўчир! – хотинига ўшқирди сиркаси сув кўтармас Наримон. – Ароқ ичган бўлсам хизматдан сўнг, меъёрни билиб ичяпман. Ҳарбий либосда оғзимга олганим йўқ. Аммо сен каби совуқ ниятли хотиннинг совуқ башорати хизматимга таъсир этиши тайин. Кейин, айтиб қўяй, иккинчи бор мени қўлга оламан, деб онамни, қизларимни орага суқма! Ўзи шуларни деб сен билан яшаб юрибман!

Эрининг юз-хотирсиз гапидан юраги музлаган Гулҳаё кўзига ёш тўлган қўйи жим қолди. «Наҳот севиб-севилиб оила қурган умр йўлдошим шу заҳар-заққумни деб мендан тонса – ўзига сабр тилаган қўйи бу ҳолга чора изларди у. – Унинг гапига аччиқ қилиб, ҳозир болаларимни олиб кетсам менга ҳам, унга ҳам яхши бўлмайди, оиламиз пароканда бўлади. Қизларим отасиз ўсади. Улар дасини жуда яхши кўради. Аммо ҳар куни маст бўлиб келишидан безиллаб қолган. Қайнонам олдимида бўлганда-ку... Яхшиси, уларни чақиртираман. Чунки ҳозир чиқиб кетсам, эрим баттар ичса ичадики, ортга қайтмайди. Кейин нима бўлиши аниқ».

– Ҳа, нимага бўзрайиб қолдинг? Булбулдай сайраб, менга насиҳат қилардинг-ку! – жўжахўроздек жангга шай турарди Наримон. Унинг ҳолатидан бир кун аввал ичган ароқнинг «кучи» сезилиб турарди.

– Қаттиқ гапирган бўлсам мени кечиринг. Сизга яхши бўлсин, дейман-да, дадаси, – бор аламини ичига ютиб, майин бўлиб гап бошлади Гулҳаё. – Бундай ичишингизда касал бўлиб қоласиз, ахир. Ишингиз ҳам нозик. Мана, академияда ўқияпсиз. Битирсангиз, лавозимингиз янада кўтарилади. Сиз омадли инсон-

сиз. Ёш бўла туриб кўп нарсаларга эришингиз. Атрофингизда дўстларингиз билан бир қаторда ҳасадгўйлар ҳам йўқ эмас. Бугун меъёрни билиб ичаётганингиз билан эртага буни унутасиз. Яхшиси, шу қасофатдан воз кечинг, дадаси. Истасангиз, эртага онамни чақиртираман. Дадам ўтгандан кейин анча ўзини олдириб қўйди. Кенжа ўғилсиз, сизни бошқача кўради. Олдимида бир муддат туриб кетса, онамга ҳам, бизга ҳам яхши бўларди.

– Сен кимсан, биласанми? Маккора аёлсан! Илонсан, қўйнимдаги илон! – кутилмаганда ҳақоратлаётган Наримон. – Илондек тўлғаниб, яхши гапириб, онамдан фойдаланмоқчимисан? Сенинг макринга учадиган аҳмоқ йўқ! Менинг бўлишим шу! Йўлга соламан деб овора бўлма! Истасам, ҳозирок уйдан ҳайдаб юборишим мумкин. Ҳе ўша сени...

Орадаги даҳанаки жанг, Наримоннинг хотинига қўл кўтариши-ю, норасида қизалоқларнинг қўрқиб чинқириши оиланинг парокандаликка юз тутиши билан якун топди...

Наримон шуларни хаёлидан ўтказар экан, салқинган юзи, ғовлаб турган боши, ўзига бўйсунмаётган қарахт вужуди билан хизмат жойига кириб боришини ўйлади. Ахир у кичик лавозимдаги хизматчи эмас. Ҳарбий қисмда ўрни, нуфузи бор.

Ўйлаганидек бўлиб чиқди. Юқори кўмондонлик томонидан танбеҳ эшитди, хайфсан олди. Атрофидидаги ёр-биродарлари ҳам «дўст ачитиб гапирарди», деганларидек, ўғит ва маслаҳатлари билан обдан «савалашди». Хизматдан қайтганида эса уйи остонасида онаси Муслима холанинг мунғайиб ўтирганини кўрди.

– Онажон, келишингизни хабар берсангиз, кутиб олардим-ку, – шошиб қолди Наримон. – Узоқ йўл босиб келиб, остонада ўтиришингизни қаранг.

Кўзида соғинч ёшлари ила меҳр билан бағрига босган онасининг маъносиз чехрасига термилиб, қайта-қайта узра сўрарди у. Шу аснода онасини қандай қилиб уйдан бетириб, тўзиган шароитга рўбарў қилиши ҳақида ўйларди.

– Кеча дадангни безовта ҳолда туш кўрдим. Сендан хавотирда экани билиниб турибди. Саҳар турдим-у, уйдагиларнинг ҳай-ҳайлашига ҳам қарамай, йўлга тушдим. Худого шукур, соғ-саломат экансан.

Она-бола йўл-йўлакай гаплашиб, уйга киришди. Ўғлининг унққан юзига термилган қўйи уй ичига қадам қўйган Муслима хола ичкаридаги бетартиблик ва ароқнинг бадбўй хидидан кайфияти тушиб кетди. Юзига эзгу ниятлар ила фотиҳа тортган оназор руҳи синган ҳолда бир муддат нафас ростлади. Буни сезган Наримон хонани тартибга келтириш баробарида, онасини гапга солиб чалғитишга ҳаракат қиларди.

– Мана, хотининг йўқлиги оқибати, – афсус билан бош чайқайди Муслима хола. – Руҳи арвоҳлар ҳар ишдан хабардор, деб бежиз айтишмас экан. Даданг сени деб у дунёда ҳам тинч бўлолмапти. Хотининг кетганига бир йил бўлди. Наҳот болаларингни соғинмасанг, болам? Неча марта яраштирамиз, десак, қайсарлик қилдинг. Эришганинг шуми? Эртагаёқ аканг билан гаплашиб, хотининг, қизларингни олиб келишини тайинлайман.

– Онажон, менинг шу ҳолга тушиб қолишимга аслида ўша маккора аёл сабабчи. Ўша билан ярашгандан кўра тоқ ўтганим яхши.

– Сени ҳеч ким мажбурлаб уйлантиргани йўқ, ўғлим. Узинг суйиб, кўнгли қўйиб оила қурдинг. Гулҳаё яхши келин чиқди. Бундан ортиги бўлмайди. Хотинингни ўйламангиз, болаларингни ўйла. Қиз бола мунгли бўлади, отага таянади. Уларнинг кўнглини чўктириб, кўзини ёшлатсанг, яхши кун кўрмайсиз, болам.

– Қизларимни ташлаб қўймайман, таъминотини қилиб тураман. Аммо Гулҳаё билан ярашмайман. Истасангиз, ҳозирок сиз топган аёлга уйланман. Мени тўғри тушунсангиз-чи, онажон.

Муслима хола ўғлининг қизариб-бўзариб гапиршидан, ҳамма айбни, ҳатто ўз қилмишларини ҳам хотинига юклаганидан дили оғриди. Ароқ унинг асабларини ориятига чанг солганидан кўнгли вайрон бўлди...

Наримон кўп ўтмай ҳаётини янгитдан бошлаш ниятида бошқа аёлга уйланди. Имкон қадар ичмасликка, касбида ўрин топишга ҳаракат қилди. Олий ҳарбий билим юртини имтиёзли тамомлаган, академияда таҳсил олган тажрибали офицерга юқори лавозим ишониб топширилди. Аммо ўрганган кўнгли ўртанса


қўймас, деганларидек, маълум муддат ўтиб, у яна кайфу сафога берилди. Берилганда ҳам...

Наримон энди мансабини суиистеъмол қила бошлади. Таъмагирликка ўтди. Бу ҳам етмагандек, спиртли ичимлик емириб, таранг тортилган асаблари тилига эрк беришига, атрофидигиларни ҳақоратлашига замин яратди. Алалоқибат, бурчига хиёнат, ношукурлик, нотавонлик уни панжара ортига етаклади...

Наримон қамоқхона деразасидан узокларга термилди. Қизларининг қиқирлаган ширин кулгиси қулоғи остидан жаранглагандек бўлади. Беихтиёр кечагина тушига кирган отаси Асадулла аканинг норози оҳангдаги ўкинчли овози қулоғи остидан садо беради: «Ким эдинг-у, ким бўлдинг, болам? Кўзингни оч, кўзингни оч, кейин кеч бўлади...» Наримонга отасининг бу илтижоли сўзлари жуда таниш. Бу сўзларни у аввал ҳам эшитган, айти ичкиликка берилган пайтларида тушида, хобидами эшитган. Отаси уни гафлат уйқусидан уйғотмоқчи бўлган. Бироқ заҳар-заққум элтган қарахт онги буну уқий олмаган.

Ҳа, у отаси ёдига солганидек, кечагина ким эди? Аввало, зиёли, нуфузли оилада вояга етди. Севган касбига эришди, ўрин топди, давлат мукофотига сазовор бўлди. Ҳаёт уни ҳар томонлама сийлади. Севган қизига уйланди, фарзандлар кўрди. Омад оғушида юқори мансабларга кўтарилди. Обру, эътибор, бахт, давлат... унда барча-барчаси бор эди. Аммо...

Аммо буларнинг барчасини шайтоний ичимлик ортидаги ёлғон дунёга бой берди у. Бой берганда ҳам отасининг руҳини қақшатиб, етти авлодини иснодга қўйиб, мунис онасининг бағрини кўйдириб, қаддини эгиб, фарзандларини етимликнинг аччиқ қисматида рўбарў қилиб, бир сўз билан айтганда, икки дунёсини кўйдириб, бой берди. Унинг хатоси нафс қулига айланаётган кимлар учундир сабоқ бўлса, ажабмас. Наримон учун эса энди кеч, жуда кеч...



Зулфия ЮНУСОВА, «Vatanparvar»



УЛАР ВАТАНИМИЗ СПОРТ ШАРАФИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ

XXXII ёзги Олимпиада ўйинларига саралаш мусобақалари якунланди. Юртимиз спортчилари навбатдаги Олимпиада ўйинларининг 71 та йўлланмасини қўлга киритди. «Токио - 2020» да юртимиз спорт шарафини ҳимоя қилувчиларнинг қарийб учдан бир қисмини Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш маркази (MVSM) вакиллари ташкил этди.



XXXII ёзги Олимпиада ўйинларини 21 июль куни футболчилар бошлаб беради, расмий очилиш маросими эса 23 июль куни ўтказилади. Мамлакатларни халқларга намоеън этувчи, миллатларни элатларга таништирувчи тўрт йилликнинг навбатдаги йирик мусобақаси 8 августга қадар давом этади. «Токио - 2020» Олимпия ўйинларида иштирок этиш учун дунё спортчилари 2017 йилдан шу кунга қадар бир-биридан муросасиз мусобақаларда ўзаро баҳс олиб боришди. Якунда Ўзбекистон спортчилари мазкур Олимпиадада спортнинг 17 тури бўйича 71 та йўлланмани қўлга киритди.

Халқаро экспертлар мамлакат спортининг нуфузини белгилашда юрт вакиллариининг жаҳон чемпионатларидаги муваффақиятларидан кўра Олимпиада ўйинларидаги қатнашуви ҳамда эришган натижаларига қараб баҳо беришади ва муайян бир қарорга келишади. Юртимиз спортчиларининг Олимпия ўйинларидаги энг яхши қатнашуви «Рио - 2016» ҳисобланади, яъни вакилларимиз томонидан 2016 йил Рио-де-Жанейро шаҳри (Бразилия)да ўтказилган XXXI ёзги Олимпиада ўйинларининг 4 та олтин, 2 та кумуш, 7 та бронза, жами 13 та медали қўлга киритилган. Ўзбекистон делегацияси 207 давлат орасида 21-ўринни эгаллаган. Сориндорларнинг уч нафари, яъни Бектемир Мелиқўзиёв (бокс), Муроджон Аҳмадалиев (бокс) ва майор Ришод Собиров (дзюдо) армиямиз спортчилари эди. Таъкидлаш жоиз, юртимиз вакилларининг Олимпия ўйинларидаги муваффақиятларида армиямиз спортчиларининг алоҳида ўрни бор. Бундан «Токио - 2020» ҳам холи бўлмаслигига ишонамиз, чунки юртимиз спортчилари томонидан қўлга

киритилган 71 та йўлланманинг 27 таси айнан MVSM вакилларига тегишлидир. Буни бошқачароқ изоҳлаганда, «Токио - 2020»да қатнашувчи юртимиз 67 нафар спортчисининг 23 нафари Мудофаа

вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш маркази вакиллари-дир, яъни MVSMнинг 23 вакили XXXII ёзги Олимпиада ўйинларининг 27 та медали учун кураш олиб боради.

MVSM спортчилари, айниқса, дзюдо, эшак эшиш, таэквондо, енгил атлетика, қиличбозлик, ўқ отиш ва бешкураш спорт турлари бўйича фаол. Хусусан, MVSMнинг 6 нафар дзюдочиси жаҳон чемпионати ва халқаро мусобақаларда муваффақиятли қатнашиб, Халқаро дзюдо федерацияси (IJF) рейтинг жадвалида 22-ўриндан юқори поғонани эгаллади ва «Токио - 2020» Олимпия ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Бироқ 6 нафар полвоннинг 5 нафари «Токио - 2020»га борадиган бўлди. Чунки IJF рейтингда 22-ўрингача поғонани эгаллаб турганлар орасида бир мамлакатдан икки ёки уч нафардан ортиқ дзюдочи бўлса, улардан фақат бири Олимпиадада қатнашиши мумкин. Терма жамоамиз мураббийлари -60 кг вазн тоифасида MVSM дзюдочиси Диёрбек Ўрозбоевни эмас, балки IJF рейтингда 8-ўринни эгаллаб турган ҳамюртимиз Шарофиддин Лутфиллаевни Токиога олиб боришга қарор қилишди.

«Токио - 2020» Олимпия ўйинларида иштирок этадиган делегациямиз таркибида ҳам кичик бир ўзгариш юз берди. Халқаро сузиш федерацияси рейтингини асосида ҳамюртларимиздан Хуршиджон Турсунов 100 метрга эркин, Юлдуз Қўчқорова 100 метрга брасс усулида сузиш бўйича Олимпиада йўлланмаларига сазовор бўлганди. Бироқ Юлдуз Қўчқорова ҳозирги кунда АҚШда бўлгани учун бўлажак Олимпиадада иштирок этмаслиги ойдинлашди. Унинг ўрнини Наталья Критинина тўлдирадиган бўлди. Ушбу ўзгаришни Халқаро сузиш федерацияси тасдиқлади.

«Токио - 2020» Олимпия ўйинларида MVSM ҳакамларидан дзюдо бўйича лейтенант Рамзиддин Саидов, қиличбозлик бўйича Саида Ҳасанова ҳам иштирок этади. Мусобақанинг биринчи куни дзюдочилар баҳсларга киришади, яъни вакилларимиздан Шарофиддин Лутфиллаев (-60 кг) 23 июль куни Токио татамисига чиқади.

XXXII ёзги Олимпия ўйинларида қатнашувчи Ўзбекистон спортчилари

Дзюдо (11 та медаль учун кураш олиб борилади):

-60 кг: Шарофиддин Лутфиллаев (IJF рейтингда 8-ўрин)
-66 кг: Сардор Нуриллаев (10)
-73 кг: Хикматиллоҳ Тўраев (10, MVSM)
-81 кг: Шарофиддин Болтабоев (7)
-90 кг: Давлат Бобонов (5, MVSM)
-100 кг: Муҳаммадкарим Хуррамов (14, MVSM)
+100 кг: Бекмурод Олтибоев (21)
-52 кг: Диёра Келдиёрова (12, MVSM)
-63 кг: Фарангиз Ҳожиёва (64, қитъавий квота)
-70 кг: кичик сержант Гулноза Матниязова (23, MVSM).
Шунингдек, Ўзбекистон терма жамоаси дзюдо бўйича аралаш жамоавий мусобақада ҳам қатнашади.

Бокс (11 та):

-52 кг: Шаҳобиддин Зоиров
-57 кг: лейтенант Миразизбек Мирзаҳалилов (MVSM)

-63 кг: Элнур Абдураимов
-69 кг: Бобоусмон Батуров
-75 кг: Фанат Қахрамонов
-81 кг: Дилшод Рўзметов
-91 кг: Санжар Турсунов
+91 кг: Баҳодир Жалолов
-51 кг: Турсуноӣ Раҳимова
-60 кг: Райҳона Қодирова
-69 кг: Шаҳноза Юнусова

Енгил атлетика (7 та):

Баландликка сакраш, аёллар: Светлана Радзивил

Баландликка сакраш, аёллар: Сафина Садуллаева (MVSM)

Боскон улоқтириш, эркаклар: Сухроб Хўжаев (MVSM)

Узунликка сакраш, аёллар: Дарья Резниченко

Уч ҳатлаб сакраш, аёллар: Роксана Худёрова (MVSM)

Уч ҳатлаб сакраш, эркаклар: Руслан Курбанов (MVSM)

Кўпкураш, аёллар, Екатерина Воронина

Бадий гимнастика (6 та):
Кўпкураш: Сабина Ташкенбаева

Гуруҳ машқи: Нилуфар Шомуродова

Гуруҳ машқи: Ксения Александрова

Гуруҳ машқи: Динара Равшанбекова

Гуруҳ машқи: Севара Сафоева

Гуруҳ машқи: Камола Ирнарарова

Канозда эшак эшиш (4 та):
С-2 500 метр: кичик сержант Дилноза Раҳматова (MVSM)

С-2 500 метр: кичик сержант Нилуфар Зокирова (MVSM)

С-1 200 метр: кичик сержант Дилноза Раҳматова (MVSM)

С-1 200 метр: кичик сержант Нилуфар Зокирова (MVSM)

Оғир атлетика (4 та):

-67 кг: Адҳамжон Эргашев (MVSM)

-109 кг: Акбар Жўраев

-55 кг: Муаттар Набиева

-76 кг: Кумушхон Файзуллаева

Таэквондо (4 та):

-68 кг: Улугбек Рашитов (MVSM)

-80 кг: Никита Рафалович (MVSM)

-67 кг: Нигора Турсунқулова (MVSM)

+67 кг: Светлана Осипова

Эркин кураш (4 та):

-57 кг: Ғуломжон Абдуллаев

-74 кг: Бекзод Абдурахмонов

-86 кг: Жавраил Шапиев

-97 кг: Магомед Ибрагимов

Юнон-рум кураши (4 та):

-60 кг: Элмурат Тасмуратов

-77 кг: Жалгасбай Бердимуратов

-87 кг: Рустам Аскалов

-130 кг: Мўминжон Абдуллаев

Қиличбозлик (3 та):

Шапага, аёллар: Малика Ҳақимова (MVSM)

Саблия, аёллар: Зайнаб Дайибекова (MVSM)

Сабля, эркаклар: Шерзод Мамутов (MVSM)

Академик эшак эшиш (2 та):

LMX2X, 2000 метр: Собир Сафаралиев

LMX2X, 2000 метр: Шаҳбоз Холмирзаев (MVSM)

Велоспорт (2 та):

Гуруҳ пойгаси, эркаклар: Муроджон Холмуродов

Гуруҳ пойгаси, аёллар: Ольга Забелинская

Замонавий бешкураш (2 та):

Яккалик, эркаклар: Александр Савкин (MVSM)

Яккалик, аёллар: Алисэ Фахрутдинова (MVSM)

Спорт гимнастикаси (2 та):

Яккалик дастур: Расулжон Абдурахимов

Яккалик дастур: Оксана Чусовитина

Сузиш (2 та):

100 м, эркин сузиш: Хуршиджон Турсунов

100 м, брасс: Наталья Критинина

Ўқ отиш спорти (2 та):


10 м, милтик: Мухтасар Тоҳирова (MVSM)

50 м, милтиқдан 3 ҳолатда: Мухтасар Тоҳирова (MVSM)

Теннис (1 та):

Яккалик, эркаклар: Денис Истомин

СИЗНИ ГАПИРИШЯПТИМИ? ТОШ ОТИШЯПТИМИ?



Жуда кўп ҳолатларда бундай гап-сўзларни таҳлил қилмаймиз. Дарров кайфиятимиз тушиб, дунёдан хафа бўлиб, бирор ишга кўл ургимиз келмай, ҳаммадан яшириниб олгимиз келади. Хўш, бундай қилишимиз тўғримикиан? Бунинг асл сабаби ёшлигимиздаги «тўғри юр», одамлар нима дейди?», «овозингни баландлатма, кўзини эшитиб қолади» каби қўйилган чекловлардир. Шу каби чегаралар натижасида онг биринчи навбатда бирор иш қилмоқчи бўлганимизда «тўхта, одамлар нима деркан, яқинларим нима дейди?» каби саволлар билан мия бирор-бир ишни бошлашга тўсқунлик қила бошлайди. Бундай

пайтда аввал эшитиб кўринг, унда ҳақиқат бўлса, шунга қараб хатоларингизни англаб, тўғрилашингиз мумкин. Агар шундай бўлса, миннатдор бўлинг улардан (чунки тўғри танқид ўсишингизга сабабчи бўлади) ва яна олға юринг! Бу гап-сўзлар ўтқинчи. Лекин ҳеч қачон гап-сўзларни ўзингиз учун қонун деб белгилаб олманг! Агар бундай бўлмаса, тухмат қилишса ҳам уни қабул қилишни ўрганинг. Энг биринчи навбатда қанчалик кўп нарсага эришсангиз, сиз ҳақингизда шунчалик кўп гапиришларини билинг ва бундан хурсанд бўлинг. Чунки яхши гап бўлса ҳам, ёмон гап бўлса ҳам улар ўз энергияларини сизга

беришади. Сиз мана шу энергияни олинг ва фойдаланинг. Яна бир муҳим нарса! Эсингизда бўлсин, «Мевали дарахтнинг меваси қанчалик ширин бўлса, унга шунчалик кўп тош отилади!» Сиз ҳақингизда беҳуда гапиришдими, маломат қилишдими, демак, сиз энг ширин мевали дарахтсиз.



ЁГИНГИЗ КЕЛАТГАН МАҲСУЛОТНИ ТАНЛАБ,
ЎЗИНГИЗДА НИМА ЕТИШМАТГАННИ БИЛИБ ОЛИНГ!

-  **Кофе.** Фосфор ва олтингурут етишмаслиги. Тавсия: сут, карам, хрен.
-  **Шоколад.** Магний (Mg) етишмаслиги. Тавсия: писта (семечка), ёнғоқ, гречка истеъмол қилинг.
-  **Куйган маҳсулотлар.** Углерод етишмаслиги. Тавсия: барра мевалар.
-  **Ширинлик.** Глюкоза етишмаслиги. Тавсия: асал ёки мева.
-  **Нон.** Витамин В₆ етишмаслиги. Тавсия: картошка, сабзи, балиқ, жигар, тухум.
-  **Ёғли таомлар.** Кальций етишмаслиги. Сут ва сут маҳсулотлари, ёнғоқлар.

-  **Гўшт.** Оксил ва цинк (рух (Zn)) етишмаслиги. Тавсия: гўшт, дуккакдилар, қуруқ мевалар.
-  **Нордон маҳсулотлар.** Витамин С етишмаслиги. Тавсия: цитрус мевалар, наъматак, турп.
-  **Шўр маҳсулотлар.** Хлоридлар етишмаслиги. Тавсия: пишлоқ, қора нон, сариёғ.

ГЎЗАЛЛИК УЧУН 15 ДАҚИҚА



Қуёшнинг иссиқ нуридан юзингизни асранг, турли косметик воситалардан фойдаланманг. Юзни ўз ҳолига қўйинг, чунки иссиқ ва қуёшли кунда юз терисининг кўзга кўринмас тешикчалари нафас олиши зарур. Терида кислород айланиши яхши бўлиши керак. Акс ҳолда юзингизда сепкил, доғ ва тошмалар пайдо бўлади.

Бунинг олдини олиш учун битта тухум оқини кўпиртириб, бир чой қошиқ лимон сувини қўшамиз. Агар юзингиз қуруқ бўлса, зайтун мойини қўшишингиз мумкин. Бу ниқоб юзда 20 дақиқа туради, ҳар 5 дақиқада устма-уст суртиб оламиз сўнгра илиқ сув билан ювамиз.

Доғлардан ҳимоялаш учун бақлажон сувини юз ва бўйин терисига суринг. Бу ниқоб тез қуригани сабаб 20 дақиқа ичида 3 марта суртинг. Аввал илиқ, кейин совуқ сув билан чайинг. Ҳафтада 2 марта такрорланг.

ТОВУҚЛИ «ПОПКОРН»

Керакли маҳсулотлар. 3 дона саримсоқпиёз, товуқ филеси, 2 дона тухум, бир чимдим майдаланган қизил қалампир, 2 қошиқ жўхори крахмали, 100 г нон толқони, ўсимлик ёғи, таъбга кўра туз ва мурч.

Тайёрланиши. Тovuқ филесини бўлақларга бўлиб, туз, зираворлар ва крахмал қўшиб аралаштириб, бўлақларни чақилган тухумга ботириб олиб, нон толқонини сепиб, 15 дақиқа тиндирилади. Ўсимлик ёғи солинган товада 5-6 дақиқа давомида қовуриб олинг. Тайёр бўлган товуқли «попкорн»ни исталган соус билан истеъмол қилишингиз мумкин.

Ёқимли иштаҳа!



Саҳифани Мастура ҚУРБОНОВА тайёрлади.

XORIJ

РУМИНИЯ АРМИЯСИНИНГ ҚУРУҚЛИКДАГИ ҚЎШИНЛАРИ



Руминия Қуролли Кучларининг асосий тури ҳисобланувчи Қуруқликдаги қўшинлар (ҚҚ) мамлакат хавфсизлиги, суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини таъминлаш, шунингдек, халқаро миссиялар ва ҳарбий операцияларда (биринчи навбатда НАТО ва Европа Иттифоқи режалари бўйича) иштирок этиш учун мўлжалланган. Ҳозирги вақтга келиб бу турдаги қўшинлар шахсий таркибининг умумий сони деярли 50 минг кишидан иборат бўлиб, бу миллий армиянинг 70 фоизини ташкил этади. 2006 йилда Руминияда умумий ҳарбий мажбурият бекор қилинган ва шартнома асосидаги хизмат тартиби жорий этилган.



Бу турдаги қўшинларга бевосита раҳбарлик ҚҚ штаби бошлиғи (қўмондони) томонидан унинг таркибига кирувчи қўшин турлари штаблари ва уларнинг бошлиқлари орқали амалга оширилади. Шунингдек, қўмондон румин қисмлари ва қўшилмаларининг Шимолий Атлантика альянси Бирлашган Қуролли Кучлари (БҚҚ) ва ЕИ Кучлари таркибига қўйилган вазибаларни самарали бажариши учун ҳам жавобгар ҳисобланади. Ҳар йили 23 апрель ҚҚ ташкил топган кун сифатида нишонланади.

Ҳозирги даврга келиб ҚҚ тузилмасидан Бош штаб, иккита пиёдалар дивизияси ва битта кўп миллатли дивизия штаби, алоҳида бригадалар (шу жумладан, махсус вазибаларни бажарувчи кучларнинг 6-бригадаси), зенит ракета полки, қўриқлаш полки, ўқув ва фронт орти тузилмалари, шунингдек,

бир қатор бошқа қисм ва бўлинмалар жой олган. Пиёдалар дивизиялари таркибига 3-4 та бригада (мотопиёдалар, механизациялашган ёки тоғ пиёдалари), артиллерия ва зенит ракета полклари, алоҳида жанговар ва фронт орти таъминоти батальонлари бор. Бундан ташқари, пойтахт Бухарест шаҳрида НАТО БҚҚнинг «Жануб-Шарқ» кўп миллатли дивизияси штаби ҳам жойлашган.

Қуруқликдаги қўшинлар тасарруфида деярли мингга яқин Т-55, TR-580 ва TR-85 М1 «Бизонул» типидagi танклар (айтиш жоизки, собиқ Иттифоқда ишлаб чиқарилган Т-55 танклари Руминия армияси танк паркиннинг деярли 50 фоизини ташкил этади, мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқарилган TR-580 танклари Т-55 нинг такомиллаштирилган ва олти катокли узайтирилган варианты, TR-85 эса Т-55 нинг Руминияда модернизацияланган варианты ҳисобланади), «Пирана-3С», МLI-84 «Ждеру», М113/1114 «Хамви» ва «Вамтак» типидagi 1 500 та зирхли жанговар машина, 1 300 дан зиёд зенит ракета комплекслари, ўзюорар артиллерия қурилмалари, 200 га яқин бараварига ўт очувчи реактив тизим ҳамда бошқа турдаги ёрдамчи машиналар бор.

Сибиу шаҳрида жойлашган Николае Бэлческу номидаги ҳарбий академия ҚҚ учун офицер кадрлар тайёрловчи асосий ўқув юрти ҳисобланади. Мазкур ҳарбий таълим даргоҳига шартнома бўйича хизмат қилувчи ҳарбийлар, шунингдек, ҳарбий ёки фуқаровий лицейларни тугатган йигит ва қизлар қабул қилинади. Ўқиш муддати – 4 йил. Академия битирувчиларига кичик лейтенант унвони берилди.

Қуруқликдаги қўшинлар қурилишининг 2025 йилгача бўлган даврга мўлжалланган режаси мамлакат раҳбарияти томонидан қабул қилинган «Руминия Қуролли Кучларини ривожлантириш стратегияси»

ҚЎШИН ТУРИ – ҚУРУҚЛИКДАГИ ҚЎШИНЛАР

Умумий сони – 50 000 киши

	Жанговар танклар – 1 000 га яқин
	Зирхли жанговар машиналар – 1 500 та
	Зенит ракета комплекслари – 1 300 дан ортиқ
	Бараварига ўт очувчи ракета тизимлари – 200 га яқин

ва «Қайта қуроллантириш ва модернизациялаш дастури»га мувофиқ амалга оширилмоқда. ҚҚни бошқарув тизимини такомиллаштириш, жанговар таркибни оптималлаштириш, замонавий қуроллар ва ҳарбий техника харид қилиш ҳамда уларни ўзлаштириш, шунингдек, мавжуд қуроллар ва техникаларни модернизациялаб бориш бу борадаги устувор вазибалар ҳисобланади. Ҳозирда асосий молиявий маблағлар жанговар машиналар парки ҳамда катта масофаларга мўлжалланган бараварига ўт очувчи ракета тизимларини янгилаш, ҳаво ҳужуми ва ракета ҳужумидан мудофаа тизимларини янада кучайтиришга йўналтирилмоқда. Жумладан, АҚШнинг «Женерал дайнэмикс» корпорацияси билан 227 та «Пирана-5» типидagi зирхли транспортёрларни етказиб бериш бўйича шартнома имзоланган бўлиб, уларнинг дастлабки 36 таси яқин вақтлар ичида етиб келиши кутилмоқда. Шунингдек, 2022 йилгача «Химарс» типидagi бараварига ўт очувчи тизимнинг 54 та ишга тушириш қурилмасини харид қилиш режалаштирилган. ҚҚнинг ҳаво ҳужумидан мудофаа воситаларини модернизациялаш доирасида АҚШдан харид қилинган 7 та «Пэтриот» типидagi зенит ракета комплексида 3 тасини 2026 йилга қадар қабул қилиб олиш кўзда тутилган.

ҚҚ қўмондонлиги миллий учувчисиз учиш аппаратлари (УУА)ни яратиш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратмоқда. Ҳозирда «Бореал-5Е» типидagi мини-УУА асосида ана шундай тизимларни ишлаб чиқиш бўйича илмий-тадқиқотчилик ва тажриба-конструкторлик ишлари фаол олиб борилмоқда.

2017 йил февралдан бошлаб АҚШ ҚҚ 64-бронетанк полкининг 1-батальони Руминия ҳудудига жойлаштирилган. 500 кишилик шахсий таркибга эга бўлган мазкур батальон ихтиёрида М1А2 «Абрамс» типидagi асосий жанговар танклар, М2А3 «Брэдли» типидagi жанговар машиналар ҳамда бошқа турдаги ҳарбий техника ва қуроллар бор. Бу қўшиннинг Руминияга жойлаштирилиши «Атлантик ризолв» операцияси доирасида НАТОнинг шарқий қаноти хавфсизлигини таъминлаш бўйича АҚШ ўз зиммасига олган мажбуриятнинг бир қисми ҳисобланади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ҳозирча жанговар техника ва қуролларнинг замонавий намуналарига эга бўлмаган бугунги Руминия армияси аста-секин асосан Ғарб давлатларида ишлаб чиқарилган шу турдаги ҳарбий маҳсулотлар билан таъминланиб бормоқда. Мамлакат Мудофаа вазирлиги ҳарбий жиҳатдан энг ривожланган Ғарб мамлакатлари билан ҳамкорликда ўтказилаётган ҳарбий машқларда фаол иштирок этиш ҳисобига Қуруқликдаги қўшинларнинг жанговар шайлигини юқори даражада сақлаб туришга интиломоқда.

Пўлат САЙДИВАЛИЕВ тайёрлади.

EVER GIVEN СУВАЙШНИ БЎШАТДИ



Ria.ru хабарига кўра, Ever Given контейнер ташувчи кемаси ниҳоят техник кўриқдан ўтказилиб, экипажининг бир қисми ўзгартирилгандан кейин дастлабки манзили – Роттердамга йўл олди. Кема 13 июлда Миср сув ҳудудларини тарк этди.

Эслатиб ўтамиз, Ever Given 23 март куни Сувайшда саёзликка ўтириб қолиб, у орқали ҳаракатни 6 кунга тўлиқ тўхтатиб қўйганди. Кемани 29 мартдагина жойдан силжитишга муваффақ бўлинган. Бу вақт ичида каналнинг икки томонидан умумий юки 26 млн тоннани ташкил қилувчи 422 та кемадан иборат навбат юзага келган.

24 ЙИЛ ЎТГАЧ ТОПИЛДИ



Хитойда Го Гонтан исмли эркак 24 йил аввал йўқолган ўғлини топди. Ота бунинг учун бутун мамлакат бўйлаб мотоциклда 500 минг км.дан кўпроқ йўл босиб ўтди ва кўплаб машқларни бошдан кечирди. «Mir24.tv» манбасида айтилишича, эркакнинг ўғли болалик вақтида одамфурушлар томонидан ўғирлаб кетилган. Эътиборлиси, Го ўғлини қидириш давомида ўғирлаб кетилган 7 нафар бошқа болани топди ва ота-онасига қайтаришда ёрдам берди.

Хитойда болалар ўғирлиги катта муаммо ҳисобланиб, мамлакатда ҳар йил 20 минггача бола ўғирланмоқда.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

ШИФОХОНАДАГИ ЁНГИН



Ироқнинг Ди-Қор вилояти Ан-Насирия шаҳридаги шифохонада юз берган ёнгинда ҳалок бўлганлар сони 90 нафарга етди. «Al Hadath» телеканалнинг хабар беришича, айни вақтда қурбонлар шахсини аниқлаш бўйича иш олиб борилмоқда. Воқеа тафсилотларини аниқлаш бўйича тергов шифохонадаги барча кузатув камераларига зарар етгани сабабли мураккаблашган.

Шифохонада 12 июль кечки пайт кислород баллони билан эҳтиётсиз муомалада бўлиш оқибатида портлаш ва унинг кетидан йирик ёнгин юз берган. Ёнгин шифохонанинг коронавирус билан касалланганлар даволанаётган бўлимини қамраб олган.

ARMIYA SPORTI

Қўл жанги бўйича ЧЕМПИОНЛАР АНИҚЛАНДИ

60 кг.дан +90 кг.гача бўлган 8 вазн тоифасида ҳарбий хизматчилар ўртасида Мудофаа вазирлиги очиқ чемпионати бўлиб ўтди. 200 нафарга яқин иштирокчи шиддатли ва кескин кураш олиб борди. Ғолиблик иштиёқида бўлган ҳар бир спортчининг ҳаракатларини тўғри ва ҳаққоний баҳолаб боришда ҳакамларга ҳам осон бўлмади.

– Чемпионатда ғолиб бўлган спортчилар Мудофаа вазирлиги терма жамоаси таркибига киритилиши билан биргаликда, халқаро миқёсда ўтадиган мусобақаларда ҳам иштирок этиш имкониятига эга бўлади. Шундай экан, чемпионатнинг бу қадар шиддатли бўлишини биз олдиндан кутгандик. Мусобақада энг кичик эътирозлар устида ҳам ишладик. Ўйлашимча, ҳакамларнинг чиқарган оқилона ва шаффоф қарорларидан ҳеч ким норози бўлмади, – деди мусобақа ёрдамчи ҳаками Абдурашид Рахимов.

– Бу спорт тури билан шуғуллана бошлаганимга олти ойдан ошди. Унга қадар боксга қатнашганман. Юқори натижаларга эриша олмаганимдан кейин, қўл жанги билан мурабийларим кўмагида мунтазам машғулотлар олиб бордим. Натижада 70 кг вазн тоифасида 1-ўринни қўлга киритдим. Саралаш босқичида иккинчи ўринни олган эдим, икки тун ухлай олмадим. Финал босқичида ўша уйқу бермаган кечалар ўйлари ғолиб бўлишимга

туртки бўлди, – деди контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Азизхон Абдуллаев.

Мудофаа вазирлиги спорт марказида қўл жанги бўйича ўтказилган очиқ чемпионатда қуйидаги спортчилар ғолибликни қўлга киритди:

➔ **60 кг вазн тоифасида**

1-ўрин: контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Фаррух Тўхтасинов;

2-ўрин: контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Орифжон Нормуродов;

3-ўрин: контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Жавлонбек Тўхтасинов.

➔ **65 кг вазн тоифасида**

1-ўрин: кичик сержант Соҳиб Сулаймонов;

2-ўрин: контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Мирзоир Музаффаров;

3-ўрин: кичик сержант Авзал Абдурахмонов.

➔ **70 кг вазн тоифасида**

1-ўрин: контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Азизхон Абдуллаев;

2-ўрин: контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Темурмалик Мамадалиев;

3-ўрин: контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Ҳусниддин Рўзиев.

➔ **75 кг вазн тоифасида**

1-ўрин: кичик сержант Далер Йўлдошев;

2-ўрин: кичик сержант Бунёдбек Анваржонов;

3-ўрин: контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Ислон Ибойдуллаев.

➔ **80 кг вазн тоифасида**

1-ўрин: кичик сержант Ислонбек Мўминов;

2-ўрин: контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Оғабек Қодиров;

3-ўрин: контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Ойбек Кароматов.

➔ **85 кг вазн тоифасида**

1-ўрин: лейтенант Улуғбек Мадаминов;

2-ўрин: кичик сержант Шоҳрўз Шарипов;

3-ўрин: контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Отахон Мунавваров.

➔ **90 кг вазн тоифасида**

1-ўрин: кичик сержант Азамат Абдуҳакимов;

2-ўрин: катта лейтенант Мирали Боймирзаев;

3-ўрин: III даражали сержант Рўзимурод Ғозиев.

➔ **90 кг.дан оғир вазн тоифасида**

1-ўрин: кичик сержант Шерали Маҳаммадинов;

2-ўрин: кичик сержант Ўткирбек Каримов;

3-ўрин: кичик сержант Сергей Қурбонов.

Ундан ташқари взводлар ўртасида Шарқий ҳарбий округ 1-ўрин, Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ 2-ўрин, Шимоли-ғарбий ҳарбий округ 3-ўринни қўлга киритди.

Ҳарбий округлар ўртасида ҳам ўринлар тақсимланди. 1-ўрин Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ, 2-ўрин Тошкент ҳарбий округи, 3-ўрин Шарқий ҳарбий округ жамоаларига насиб этди.

Чемпионатда ғолиб бўлган спортчи ва жамоаларга ҳарбий оркестр садолари остида медаль, диплом ва қимматбаҳо совғалар ҳамда кубок топширилди.

Тадбир сўнгида Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли жамоасининг куйи ва кўшиқлари янгради.



Шерзод ШАРИПОВ, «Vatanparvar»

ПРЕЗИДЕНТ ВАЪДА БЕРДИ




Афғонистон Президенти Ашраф Ғани 3 ой ичида «Толибон» ҳаракати мағлуб этилишига ва мамлакатдаги вазият ўнгланишига ваъда берди. «Мамлакатда ҳавфсизлик борасидаги вазият яқин 3 ой ичида анча яхшиланади. Толиблар мағлуб этилиб, улар эгаллаб олган ҳудудлар қайтарилди», деб айтган давлат раҳбари.

«TOLU news» телеканали хабарига кўра, Ғани толиблар устидан ғалаба қозониш учун миллий бирдамлик зарурлигини таъкидлаб ўтган.

Айни вақтда америкалик ҳарбийларнинг 95 фойздан кўпроғи Афғонистонни тарк этиб бўлди.

ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИ



Тожикистондаги Россия ҳарбийлари ўқув машғулотларини бошлаб, уларда шитоб билан ўзгарувчи вазиятдаги жанг шароитида ҳаракатларни режалаштириш ва амалга ошириш бўйича машқлар ўтказилади. Қўмондонлик-штаб машғулотларида россиялик мингга яқин ҳарбий хизматчи қатнашмоқда. Интерфакс хабарига кўра, ҳарбий ўқув машғулотлари ҳафта охиригача давом этади.

Тожикистоннинг Душанбе ва Бохтар шаҳарларида жойлашган Россиянинг 201-ҳарбий базасига мотоўқчи, танк, артиллерия, разведка, ҳаво ҳужумидан мудофаа ва алоқа бўлинмалари киради.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

ЧЕГАРАДАГИ ЮК МАШИНАЛАРИ



Қирғизистоннинг Боткен областида туриб қолган 60 та юк машинаси масаласи ҳалигача ечилмади, деб маълум қилди Тожикистон транспорт вазири Азим Иброҳим. Унинг сўзларига кўра, ушлаб турилган юк машиналари ҳайдовчиларининг уч нафари Тожикистон фуқароларидир, қолган барча ҳайдовчилар Қирғизистон фуқаролари ҳисобланади.

Аввалроқ Россиядан Тожикистонга йўл олган юк машиналари Боткен областида тўхтатилгани хабар қилинган. Ўнлаб кишилар ўлимига олиб келган тожик-қирғиз чегарасида юз берган қуролли тўқнашув бунга сабаб бўлган.

MUDOFAGA KO'MAKLASHUVCHI "VATANPARVAR" TASHKILOTLARIDA

ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШГА ЭЪТИБОР

Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ўқув-спорт техника клубларида ҳайдовчиликка тайёрланадиган ёшлар нафақат касбга ўқитилади, балки улар орасида мунтазам равишда ҳарбий-ватанпарварлик тарғиботлари олиб борилмоқда. Хусусан, ташкилотнинг Қашқадарё вилояти кенгаши тасарруфидаги Қамаш тумани ўқув-спорт техника клуби (ЎСТК) жамоаси томонидан ҳам ёшларни моҳир ҳайдовчи этиб тайёрлаш билан бирга, жамиятимизнинг фаол ҳамда ватанпарвар фуқароси бўлиб етишишига эътибор қаратилмоқда.



шахс сифатида шаклланишига кўмаклашиш ташкилотимизнинг муҳим вазифаларидан биридир. Яқинда мана шундай ишларимизнинг узвий давоми сифатида мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан «Ватан тараққиётига хизмат қилиш ва содиқ бўлиш» концептуал ҳарбий-ватанпарварлик ғояси остида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Бундан кўзланган асосий мақсад – ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни спортнинг техник ва амалий турларига жалб қилиш. Тадбирда Республика Маънавий ва маърифат маркази Қамаш тумани бўлинмаси мутахассислари, мудофаа ишлари, Ёшлар ишлари агентлиги, халқ таълими бўлимлари, ЎСТК ходимлари ҳамда тумандаги «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшлар иштирок этди. Тадбирда мамлакатимизда ёшларни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, маънавий етук ва жисмонан соғлом, баркамол авлод бўлиб етишишлари борасида олиб борилаётган ишлар ҳамда уларга яратилаётган имконият ва қулайликлар борасида ҳам сўз юритилди. Шунингдек, иштирокчиларга «Ватанпарвар» ташкилотининг фаолияти, унинг йўналишлари, юртимиз ижтимоий ҳаётида тугган ўрни ҳақида ҳам маълумот берилди.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Қашқадарё вилояти кенгаши тасарруфидаги Қамаш тумани ўқув-спорт техника клуби жамоаси яқинлашиб келаётган муборак Қурбон ҳайити билан барча юртдошларимизни, жумладан, она диёримиз тинчлиги, фуқароларимиз осойишталиги ва фаровонлиги йўлида камарбаста бўлаётган мард ўғлонларни самимий қутлайди. Жонажон Ватанимиз осмони ҳамиша мусаффо, осойишталиги барқарор, бунёдкор халқимиз соғ ва омон бўлсин!

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, туман ЎСТКда ҳайдовчилар тайёрлаш ишлари ҳам яхши ташкил этилган. Фидойи ходимларнинг самарали меҳнати натижасида жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида 375 нафар «В», «ВС» тоифали ҳайдовчини тайёрлашга эришилди.

Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида ЎСТК таркибида ҳаво милтиғидан ўқ отиш, картинг ҳамда дуатлон каби спорт секциялари ҳам ташкил қилинган.

Акбар АЛЛАМУРОДОВ




Чунончи, бу йўналишдаги ишлар кўламини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш мақсадида ЎСТК жамоаси бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда турли давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда фаолият кўрсатмоқда. Оммавий касб ходимларини тайёрлаш, спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш, ўсиб келаётган ёш авлод маънавиятини ошириш борасидаги юмушлар шулар жумласидандир.

– Бу борада «Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!» шиори остида турли маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда спорт мусобақалари ўтказилаётганлиги ёшларимизни янада руҳлантирмоқда, – дейди ЎСТК бошлиғи Фарҳод Наврўзов. – Айниқса, туманимиздаги ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда маънавият ва ҳарбий-ватанпарварлик тарғиботларини олиб бориш яхши йўлга қўйилган. Чунки ёш авлоднинг маънавий баркамол



Қамаш тумани ЎСТК жамоаси туманда истиқомат қилаётган барча ёшларни «В», «ВС» тоифали ҳайдовчилик курсларига, шунингдек, спортнинг техник ва амалий турларидан «Ҳаво милтиғидан ўқ отиш», «Картинг» ва «Дуатлон» каби тўғарақларда шуғулланишга таклиф этади.



Қамаш шаҳри, Соҳил кўчаси 2-уй, «Ватанпарвар» ташкилоти ўқув биноси.

75 532-41-44; 91 217-00-87

Хизматлар лицензияланган.

BOLA JON



TUHMAT

4«a»-sinfda tahsil olayotgan Saodat maktab oshxonasida hamyonini tushirib qoldirdi. Bundan bexabar qiz sinfga kirib, sumkasini qarasaki, hamyoni yo`q. U bir zum karaxt bo`lib turdi-da, ustoziga murojaat qildi:

- Ustoz, hamyonim biroz avval sumkamda turgandi. Hozir qaragam yo`q, kimdir o`g`irlabdi.

- Sumkangni yaxshilab qaradingmi? - so`radi muallim.

- Balki biror chetida turgandir.

- Ichidagi barcha narsalarni olib qaradim, hamyonim yo`q. Aniq kimdir olgan, - o`pkasi to`ldi Saodatning.

- Onamning tug`ilgan kuni uchun pul yig`ayotgan edim.

- Hurmatli o`quvchilar, - sinfdagi bolalarga murojaat qildi muallim, - Saodatning hamyoni yo`qolgan. Shuning uchun hamma sumkasini parta ustiga qo`ysin. Bir boshdan qarab chiqamiz.

Hamma sumkalar tekshirildi. Lekin Saodatning hamyoni topilmadi. Shunda u yonidagi partada o`tiradigan Nigora ismli qizga qarab:

- Hamyonimni sen olgansan, chunki ertalab sumkaga solayotganimga ko`zing hamyonimda edi, - dedi ishonch bilan.

- Men hamyoningni umuman ko`rganim yo`q, - ko`zlari katta-katta bo`lib ketdi Nigoraning. - Sumkaga solayotganingga ham e`tibor bermaganman, sen yanglishyapsan.

- Yanglishganim yo`q, aniq sen olgansan. Chunki doim senda pul bo`lmaydi.

- Bu tuhmat, - yig`lab yubordi Nigora. - Men o`g`ri emasman.

- Tinchlaning. Saodat, anig`ini bilmay turib, dugonangni o`g`irlikda ayblashga uyalmaysanmi? - tanbeh berdi muallim.

- Ustoz, shu o`g`irlaganiga ishonchim komil, negaki... Uning gapi oxiriga yetmay sinfga maktab direktori kirib keldi.


- Ichlaringda kim Saodat Umarova? - o`quvchilarga yuzlandi direktor.

- Men, - o`rnidan turdi Saodat.

- Hamyoningni maktab oshxonasida tushirib qoldiribsan. 7-sinf o`quvchisi uni topib olibdi. Ichini qarasa, ism-familiyang yozilgan ekan. Endi narsalaringga ehtiyot bo`l.

Saodat hamyoni topilganidan juda xursand bo`ldi. Biroq norozi qiyofadagi sinfdosh do`stlariga va tuhmati sabab ko`zlarida yosh bilan turgan Nigoraga qarab boshi egilganicha jim qoldi. So`ng ustoziga qaradi. Uning nigohidan aytmoqchi bo`lgan fikrini darhol tushunib yetdi. Doska oldiga chiqdi-da, barchadan va Nigoradan qayta-qayta kechirim so`radi. Shoshilinch xulosa chiqarish oqibati qanday bo`lishini yurakdan his qildi.


Diyora FAXRUTDINOVA,
M. Ulug`bek tumani, 241-umumta`lim
maktabining 7«a»-sinf o`quvchisi



LABIRINT



SKANVORD




TENG DOSHLARINGIZ
IJODIDAN

NUQTA

Fikrning oxiriman,
Gapning javohiriman.
Nuqtaman - gapda darak,
Nomim bilsangiz kerak.

So`roq, undov va vergul
Nuqtaning chin do`stlari.
Ular bilan har gapning
Bitar kam-u ko`stlari.



Mohinur BEGIMQULOVA,
M. Ulug`bek tumanidagi
49-umumta`lim maktabining 6-sinf o`quvchisi

DIQQAT, TANLOV!

«ВАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТИ – ЖУРНАЛИСТ НИГОҲИДА



Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ташкил этилганига 30 йил тўлаётгани муносабати билан журналистлар ва блогерлар ўртасида «Ватанпарвар» ташкилоти – журналист нигоҳида мавзусидаги республика танловини эълон қилади. Унда мамлакатимиз ҳамда бошқа давлатларда яшовчи барча журналист ва блогерлар иштирок этишлари мумкин.

НОМИНАЦИЯЛАР:

- «Энг яхши тележурналист»;
- «Энг яхши радиожурналист»;
- «Энг яхши босма ОАВ журналисти»;
- «Энг яхши интернет журналисти».

Танлов иштирокчиларидан куйидагилар сўралади:

- «Ватанпарвар» ташкилоти фаолияти, унинг ривожланиш йўналишлари, юртимиз ижтимоий ҳаётида тутган ўрни ҳамда амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида ахборот бериш;
- «Ватанпарвар» ташкилоти томонидан аҳоли, айниқса, ёшларни Ватанга садоқат, ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, улар орасида спортнинг техник ва амалий турларини оммалаштириш бўйича йўлга қўйилаётган янги самарали тизимларни очиб бериш;
- республикаимиз аҳолиси, шу жумладан, ёшлар учун «Ватанпарвар» ташкилоти тизимидаги спорт секциялари ва тўгараклари ҳамда оммавий техник касбларга ўқитиш курсларида яратилган шарт-шароитлар, имкониятлар ҳақида оммани хабардор қилиш;
- болалар, ўсмирлар ва ёшларда «Ватанпарвар» ташкилоти сафига кириш хайрихоҳлиги ва иштиёқини уйғотиш.

ТАНЛОВНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ:

- бир босқичда ўтказилади;
- танлов комиссияси 2021 йил-

нинг 23 ноябрига қадар энг яхши ишларни танлаб, ғолиб ва совриндорларни аниқлайди;

- иштирокчилар ўз материалларини (яъни мақола, блог, кўрсатув, видеоролик, эшиттиришларни) жорий йилнинг 1 ноябрига қадар куйидаги манзилга юборишлари лозим:

100017, Тошкент шаҳри, Осиё кўчаси, 86-А уй, Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгаши.

Электрон манзил: matbuot@vatanparvar.uz

Телефон: 71 235-52-63

КЕЛГАН МАТЕРИАЛЛАРНИ ЎРГАНИШ ТАРТИБИ:

- оммавий ахборот воситалари, жумладан, телевидение, радио, босма нашрлар, веб-сайтлар ёки мессенжер ва ижтимоий тармоқлардаги расмий канал ва саҳифаларда эълон қилинган материалларгина қабул қилинади.

- танлов комиссияси ҳар бир журналистик материални холислик ва шаффоқлик принципларига асосланган ҳолда ўрганади.

ЖУРНАЛИСТЛАРДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИГАН МАТЕРИАЛЛАР:

- босма нашрлардаги мақолалар даврий нашрларда, интернетдаги материаллар А-4 форматдаги қоғозда, эълон қилинган сайт манбаси кўрсатилган ҳолда тақдим этилиши лозим. Ишнинг ҳажми – 1,5 интервалда, Times



Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти матбуот хизмати



New Roman, 14 шрифтда бўлиши керак;

- телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар дискка кўчирилган ҳолатда тақдим этилиши лозим (техник носоз деб топилган ишлар кўриб чиқилмайди);
- материал ёзилган электрон манба (CD, DVD, flash) танлов ишига илова қилинади.

Титул варағида куйидагиларни кўрсатиш лозим:

- муассаса номи, почта индекси ва манзили;
- иш мавзуси;
- муаллиф ҳақида маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми, иш жойи, почта индекси, уй манзили, телефон рақами).

Юқоридаги талабларга жавоб бермайдиган ишлар танлов комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Қабул қилинган ишлар қайтарилмайди.

ҒОЛИБЛАРНИ ТАҚДИРЛАШ:

- танлов ғолиблари «Ватанпарвар» ташкилоти томонидан тайёрланган қимматбаҳо совғалар ва дипломлар билан тақдирланади;
- ғолиблар жорий йилнинг 23 ноябрида – «Ватанпарвар» ташкилоти ташкил этилган кунга бағишланган тантанали маросимда тақдирланади.

BIR CHIMDIM

HAJOTIMIZDA IKKI MUHIM KUN BOR:
BIRINCHISI – DUNYOGA KELGAN KUNIMIZ.
IKKINCHISI – NIMA UCHUN DUNYOGA KELGANIMIZNI ANGLAGAN KUNIMIZ.

MARK TVEN

BILASIZMI?

Yerning ichki yadrosi taxminan bir ming ikki yuz yigirma kilometr radiusga ega. Bu oy radiusining yetmish foiziga teng. Bundan tashqari, geofizik va geokimyoviy tajribalarga asosanib, sayyoramizning ichki yadrosi quyosh bilan bir xil haroratda degan taxmin mavjud.



Har kuni yerga 8,6 million martadan ko'proq chaqmoq tushadi.



Yerning yadrosi Yer sayyorasining butun yuzini deyarli qirq besh santimetrqa qoplaydigan oltindan iborat.



Yerdagi hayot faoliyati azon qatlamini va yerning magnit maydonini saqlab qoladi, bu esa hayot uchun zararli quyosh nurini kuchsizlantiradi.



SHU SONNING ELEKTRON SHAKLI

KELGUSI SONLARDA:

Cho'qqilarni zabt etayotgan mardlar

VATANPARVAR

Muassis



ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MUDOFAA VAZIRLIGI

www.mudofaa.uz

Bosh muharrir:
mayor
Ahror Ochilov

Navbatchi:
leytenant
Islomjon Qo'chqorov

Sahifalovchilar:
Begali Eshonqulov
Nodirabegim Valiyeva
Dilnoza Meliqo'ziyeva

Musahhihlar:
Zebo Sariyeva
Sayyora Mirzayeva

Telefonlar:

kotibiyat: 71 260-36-50
buxgalteriya: 71 260-35-20
yuridik bo'lim: 71 269-88-91
faks: 71 260-32-29

ISSN 2010-5541

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqrib qilinmaydi va mualliflarga qaytarilmaydi. Mudofaa vazirligi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar departamenti – "Vatanparvar" Birlashgan tahririyatining kompyuter markazida sahifalandi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2008-yil 6-iyunda 0535 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma: g-207
Hajmi: 6 bosma taboq
Bichimi: A3
Adadi: 30 073 nusxa
Bosishga topshirish vaqti: 14:00
Topshirildi: 14:30

Gazeta juma kuni chiqadi. Gazeta 1992-yilning 24-iyunidan chiqqa boshlagan.

Nashr ko'rsatkichi: 114. Bahosi: kelishilgan narxda.

"Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasida chop etildi. Bosmaxona manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

1 2 3 4 5 6

Manzili: 100164, Toshkent, Universitet ko'chasi, 1-uy.